



ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЎТГАН ДАВРИДА ПРЕЗИДЕНТ ВИРТУАЛ ҚАБУЛХОНАСИ ВА ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАЛАРИГА ПОЙТАХТИМИЗ АҲОЛИСИДАН 80 МИНГДАН ЗИЁД МУРОЖААТ КЕЛИБ ТУШГАН. УЛАРНИНГ 76 МИНГ 780 ДАН ОРТИҒИ КЎРИБ ЧИҚИЛГАН, 52 ФОИЗДАН ЗИЁДИ ИЖОБИЙ ҲАЛ ҚИЛИНГАН




МУАММОЛАР ЕЧИМ ТОПМАГУНИЧА НАЗОРАТДА БЎЛЯПТИ

3-саҳифада.

МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?..

«Обуна бўлганимга афсусланмайман»

Зокиржон МУҚИМОВ, Сирдарё вилоятидаги «Бешбулоқ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.



Хар қандай соҳада ўзаро тажриба алмашиш, Ҳамкасблар билан мулоқот олиб бориш муҳим ҳисобланади. «Mahalla» газетаси тизим ходимлари учун мана шундай минбар вазифасини бажармоқда. Газетанинг ҳар бир сонини синчиклаб ўқиб, керакли маслаҳатларни оламан. Қолаверса, энг долзарб мавзулардаги таҳлилий мақолалар, қарор ва фармонларга шарҳлар билан танишиб бораман. «Mahalla» газетасига обуна бўлганимга асло афсусланмайман. Аксинча, тўғри танлов қилганимдан хурсандман.

«Тўлаган пулим ортиғи билан қайтади»

Башорат ШАМСИЕВА, Жомбой туманидаги «Катта қишлоқ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.



Ёшлигимдан газета-журналларни севиб ўқийман. Почтачининг уйга газета олиб келишини интиқлик билан кутардим. Қизиқишим кейинчалик касбим тақозоси билан заруратга айланди. Фаолиятим давомида тизим бош наشري — «Mahalla» газетаси яқин ҳамроҳим, маслаҳатчим бўлиб келди. Қайсидир масалада ўйлансам, қийналсам

ёки иккилансам, дарров газетга юзланаман. Ундан ўзимга керакли жавобни топаман. Тизимга оид, ҳуқуқий соҳаларга доир билимларимни айнан сеvimли нашрим орқали бойитиб бораман. Сизга айтсам, ҳар йили «Mahalla»га ҳеч иккиланмай обуна бўламан. Чунки тўлаган пулим ўзимга икки-уч хисса ортиғи билан қайтишига ишонаман.

Ҳурматли маҳалла раислари, азиз маҳалладошлар!

2022 йилнинг июль ойидан бошлаб, мамлакатимиздаги 9 349 та аҳалланинг ҳар бири учун

ҲАФТАДА 1 МАРТА «Mahalla» газетаси, ҲАР ОЙДА 1 МАРТА «Mahalla ko'zgusi» журнали

1 ДОНАДАН ТАҚДИМ ЭТИБ БОРИЛМОҚДА.*

Фурсатни бой берманг, 2022 йилнинг II-ярим йиллиги учун

ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!

Боласини биринчи синфга бераётганлар нега сарсон?

10-саҳифада.

Ҳисобда йўқ ерлар, солиқ тўланмаган тонналар!

14-саҳифада.

Ҳоким ёрдамчилари хотин-қизлар бандлигига кўмак беради

8-саҳифада.

СЕМИНАР



«БУГУН МАҲАЛЛА РАИСИ ЎЗИНИ ЖАНГЧИДЕК ТУТИШИ ЛОЗИМ. ЖАНГЧИНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ ҒАЛАБА БЎЛГАНИ КАБИ ОҚСОҚОЛ ҲАМ ҲУДУД АҲОЛИСИ МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ ДОИМ ҒАЛАБА ТОМОН ИНТИЛИШИ ЗАРУР. БУНДАЙ МАҲАЛЛАДА МУАММО БЎЛМАЙДИ, ОДАМЛАР ДАВЛАТДАН, ИСЛОҲОТЛАРДАН РОЗИ БЎЛАДИ»

Маҳалла раислари ўқувининг сўнгги босқичлари якунланмоқда

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ. Самарқандда мазкур ўқув-семинарнинг навбатдаги босқичи ўтказилди. Семинар олдидан Самарқанд давлат университетида Нуробод, Тойлоқ, Пастдарғом ва Самарқанд туманларида фаолият кўрсатаётган жами 224 нафар маҳалла раисларининг вилоят ҳокими Э.Турдимов билан учрашуви бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокими фуқаролар йиғинлари эндиликда янгича асосда ишлаши, ҳудуддаги барча масалалар қуйи бўғинда кўриб чиқилиб, ҳал этилиши, ташаббус ва ғоялар маҳалладан чиқиши зарурлигини таъкидлади.

— Бу йил маҳаллаларда ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси лавозимлари жорий этилди, профилактика инспекторининг фаолият йўналишлари аниқ белгилаб берилди, — деди Э.Турдимов. — Маҳалла раислари янгидан сайланди ва уларнинг ҳуқуқ, ваколатлари кенгайди. Шу билан бирга, мажбурият ва масъулият ўзгарди. Энди маҳаллада раис бошчилигида иш янгича асосда йўлга қўйилиши, фуқаролар йиғини маҳалла аҳолисининг барча масалаларини шу ерда кўриб чиқиб, ҳал этиш чораларини кўриши керак. Ўз маҳалласидаги фуқаролар дарди ва муаммоларини билмайдиган, уларни эшитмайдиган раис уларга етакчилик қилолмайди. Бугун маҳалла раиси ўзини жангчидек тутиши лозим. Жангчининг асосий мақсади ғалаба бўлгани каби оқсоқол ҳам ҳудуд аҳолиси манфаатини кўзлаб доим ғалаба томон интилиши зарур. Бундай маҳаллада муаммо бўлмайди, одамлар давлатдан, ислохотлардан рози бўлади. Маҳалла раиси ишласа,

фуқаро ҳеч қачон юқори ташкилотларга мурожаат қилмайди.

Учрашувда вилоят ҳокими ўз ишига масъулиятсизлик билан ёндашаётган айрим маҳалла раислари фаолиятини танқидий таҳлил қилди. Шунингдек, учрашувда «маҳаллабай» ишлаш тизими, маҳалла раисларининг асосий фаолият йўналишлари бўйича ишларни самарали ташкил этиш, аҳоли билан ишлаш борасидаги билим, малака ва тажрибаларини ошириш юзасидан мулоҳазалар билдирилди.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ. Вилоят ҳокимлигининг фаоллар залида Шаҳрисабз, Чироқчи, Яккабоғ туманлари ва Шаҳрисабз шаҳридаги жами 218 нафар маҳалла раисларининг вилоят ҳокими Муратжон Азимов билан учрашуви бўлиб ўтди.

Очиқ ва самимий ўтказилган мулоқотда «маҳалла раиси – Президентнинг қуйи бўғиндаги устуни» — дея эътироф этилган сўзга лойиқ бўлиши, ўз ҳудудидаги мавжуд муаммоларни ҳокимликлар олдига қўя олиши, аҳоли муаммоларига ечим топиши, юртимизда олиб борилаётган ислохотлар натижалари, бунга аҳолининг муносабати, уларнинг кайфияти, аввало, маҳаллада акс этиши, маҳаллада сезилиши лозимлиги борасида фикр алмашилди.

— Ўқув-семинари қизиқарли мулоқотларга бой ўтди, — дейди Чироқчи туманидаги «Чироқчи» маҳалласи раиси Сулув Бердикулова. — Соҳага оид ҳужжатлар мазмун-моҳияти атрофлича тушунтирилди. Қолаверса, бошқа ҳудудлардаги раислар тажрибаси билан танишиб, ўзаро фикр алмашдик. Бу ерда олган билимларимни, албатта,

маҳаллам ривожини учун сарфлайман.

Яқунда маҳалла раислари муаммо ва таклифларни ҳокимга билдириб, яқин орада бундай учрашувлар ташкил этилмаганини эътироф этиб ўтишди.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ. Вилоят ҳокими Тўра Боболов ўқув-семинарнинг навбатдаги босқичида Термиз шаҳри ва туманлардан иштирок этаётган 173 нафар тингловчи билан учрашиб, маҳалла раислари олдидagi муҳим вазифалар, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, давлат органлари билан ҳамкорлик масалалари ҳусусида атрофлича фикр-мулоҳазалар билдирди.

— Семинар ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан билимимизни янада мустаҳкамлади, — дейди Шеробод туманидаги «Бойқишлоқ» маҳалласи раиси Отабек Турсунов. — Айниқса, машғулотларни профессор-ўқитувчилар, соҳанинг етук мутахассислари олиб боргани барча саволларимизга жавоб топиш имкониятини берди. Бундай ўқувларни ҳар йили ўтказиб туриш керак, деб ҳисоблайман. Чунки ўзаро фикр алмашиб турсак, ҳудудимизда хос тажрибаларни бир-биримизга ўргатсак, тизимда муаммолар қолмайди.

Шунингдек, семинарда «маҳаллабай» ишлаш тизими, маҳалла раисларининг асосий фаолият йўналишлари бўйича ишларни самарали ташкил этиш, аҳоли билан ишлаш борасидаги билим, малака ва тажрибаларини оширишнинг бугунги жараёндаги аҳамияти борасида сўз юритилиб, иштирокчиларнинг саволларига атрофлича жавоб қайтарилди.

МУХБИРЛАРИМИЗ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Пойтахтда 15,3 фоиз раиснинг фаолияти намунали, қолганлар-чи?

Тошкент шаҳрида тажриба тариқасида маҳалла раисларининг фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг алоҳида рейтинг тизими ўтказилди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори асосида маҳалла раислари фаолиятининг рейтингини ҳисоблаш учун уларнинг функционал вазифаларига бевосита боғлиқ бўлган кўрсаткичлар методологияси ишлаб чиқилди. Йиғин раислари рейтингини ҳар ой якуни, ҳар ярим йиллик ва йиллик натижалари умумлаштириб ҳисоблаб чиқилади.

Жумладан, раислар фаолиятининг жорий йил 1-ярим йиллиги якунлари бўйича натижалари мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда 17 та кўрсаткич асосида баҳоланди.

Рейтинг баҳолашнинг якуний натижаларига кўра, 579 та фуқаролар йиғинларидан:

☑ 88 та (15,3 фоизи) фуқаролар йиғини раисларининг фаолияти — «намунали»,

☑ 369 та (63,7 фоизи) фуқаролар йиғини раисларининг фаолияти — «яхши»,

☑ 109 та (18,8 фоизи) фуқаролар йиғини раисларининг фаолияти — «қониқарли»

☑ 13 та (2,2 фоиз) фуқаролар йиғини раисларининг фаолияти — «қониқарсиз» баҳоланган.



ОММАВИЙ ҚАБУЛЛАРДАН СЎНГ...

Муаммолар ечим топмагунича назоратда бўляпти

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЎТГАН ДАВРИДА ПРЕЗИДЕНТ ВИРТУАЛ ҚАБУЛХОНАСИ ВА ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАЛАРИГА ПОЙТАХТИМИЗ АҲОЛИСИДАН 80 МИНГДАН ЗИЁД МУРОЖААТ КЕЛИБ ТУШГАН. УЛАРНИНГ 76 МИНГ 780 ДАН ОРТИҒИ КЎРИБ ЧИҚИЛГАН, 52 ФОИЗДАН ЗИЁДИ ИЖОБИЙ ҲАЛ ҚИЛИНГАН

Президентимиз ғояси билан «Инсон – жамият – давлат» тамойили ҳаётимизга чуқур сингиб, бош қадриятга айланаётгани халқ билан мулоқот тизимини тобора такомиллаштириб бормоқда. Бу фикрларнинг ҳар бири мустақкам ҳаётий исботларга эга. Уз вақтида ва жойида ҳал қилинган масалалардан ташқари, муурожаатларнинг муайян қисми ҳуқуқий маслаҳат ва тушунтириш беришга йўналтирилган бўлса, яна бир қисми узоқ муддатли назоратга олинган.

Давлатимиз раҳбари топшириғи асосида тузилган Республика ишчи гуруҳининг шу йил 25-27 май кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган оммавий қабулларда назоратга олинган ана шундай масалалар ижроси Президент маслаҳатчиси, Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазири Турсинхан Худайбергенов томонидан мунтазам мониторинг қилиб борилмоқда.

Биргина мисол. Мирзо Улуғбек туманидаги «Аҳиллик» маҳалласида яшовчи Муҳаммадзиё Қўқонбоев дастлаб қизиди бепул жарроҳлик амалиёти ўтказиш учун ёрдам сўраб келган эди. Мулоқот асносида унинг бир талай муаммолари чиқиб келди. Энг катта масала эса унинг ишсизлиги эди. Халқ қабулхонаси ходимлари муурожаатчига қонуний ёрдам бериш учун ишни қонуний асос яратишдан бошлашди. Фарғонадан пойтахтга кўчбўлиб келган бу йигит дастлаб оиласи билан расман никоҳдан ўтказилди. Шу асосда доимий пропискага қўйилди. Шундан сўнг «Ёшлар дафтари»га киритилди. Бу дафтарда тургани боис «Меҳр ва саховат» жамғармасидан қизини даволатиши учун маблағ ажратилди. Қизча соғайди. Яқинда улар хонадонидидаги бўш турган икки хона «уй меҳмонхонаси» сифатида расмийлаштирилган бўлса, бугун Муҳаммадзиёга автомобилларга хизмат кўрсатишни йўлга қўйиши учун зарур иш анжомлари олиб берилди. Энди бу ёш оиланинг иккита даромад манбаи пайдо бўлди.

Мирободлик тадбиркор Баҳодир Қосимов «Мингўрик» маҳалласида ташкил этган меҳмонхонасини жиҳозлаш учун кредит сўраб муурожаат қилган эди. Масала ўрганилиб, ҳал қилинди: тадбиркорга 1 миллиард 900 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди, 20 дан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

Яшнободлик тадбиркор Рустам Шавкатов «Уйсозлар» маҳалласидаги бўш турган бинони қайта таъмирлаб, тикувчилик корхонаси ташкил қилиш ташаббуси билан чиққан эди. Муурожаатдан сўнг ёш ишбилармон ва аёлига 66 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Шу маблағ эвазига мўъжаз корхона фаолияти йўлга қўйилиб, 20 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди. Айни кунларда улар дастлабки буюртмаларни тайёрлашга улгуришди.

Мирободлик 22 йиллик иш тажрибасига эга тикувчи Гулбахор Турсунованинг тикувчиликка ихтисослашган ўқув маркази очиш бўйича муурожаатидан сўнг «Иноқобод» маҳалласи биносидан жой, 60 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди, 12 та тикув машинаси олиб келинди. Энди бу ерда ишсиз хотин-қизлар тикувчилик сирларини ўрганади, ишлаб даромад топади.

Умуман, Халқ қабулхоналари ва секторларнинг маҳаллага тушиб ишлаётгани маҳаллани фуқаролар ўз фикри, таклиф ва тавсияларини эркин айтадиган, муаммосига самарали ечим топадиган чинакам халқчил тузилмага айлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Лойиҳалаш ва қурилиш соҳасида 15 йиллик тажрибага эга тадбиркор Ҳасан Гасанов оммавий қабулларда Мирзо Улуғбек туманидаги тураржойини нотурар жойга айлантириш бўйича муурожаат қилган эди. Сабаби — объектни қайта лойиҳалаш, реконструкция қилиш учун ҳужжатларни расмийлаштириш жараёни бироз чўзилган экан. Энди масала ижобий ечим топди.

Сергелилик Убайдулла Зухруллаев — чармгар уста. Хунармандларнинг 3-авлоди. Чармдан ортопедик пойабзаллар тайёрлайди. Уста анчадан бери фаолиятини кенгайтиришни йўлаб юрган эди. Ўзи яшаётган

кўп қаватли уй ертўласидан жой ажратишни сўраб муурожаат қилишидан мақсад аслида шу эди. Масала жойига чиқиб ўрганилгач, ҳал қилиб берилди. Бугун Зухруллаевлар оиласи мўъжаз устахонасида меҳнат билан банд.

Ҳа, инсон ўзи удалай олмаган ҳар қандай масалага давлат ва жамиятдан ёрдам кутади. Энг оғир паллада кўмак қўллари чўзилганида қалбида шамдек ёниб турган умид чўғлари алангаланади, эртанги кунга ишончи мустақкамланади. Сергелилик Осиё Ҳасанова 13 ёшли қизи Лолада буйрак кўчириш билан боғлиқ мураккаб жарроҳлик амалиёти учун имкон тополмади. Оғир уйлов елкасини юкдек босиб тураверди. Осиё опа Сергелининг сектор раҳбарларининг сайёр қабулида

шу масалада ёрдам сўраб муурожаат қилгач, унинг ҳаётидаги катта муаммо тезда ҳал қилиб берилди. «Меҳр ва саховат» жамғармасидан зарур маблағ ажратилди, Лолага ўз акаси буйрагини берди. Муваффақиятли жарроҳлик амалиётидан сўнг Лола ва акасининг соғлиғи тикланди. Она учун эса фарзандларининг саломатлигидан ортиқ бахт йўқ...

Юқоридагилар тизим бераётган реал натижалардан бир шингил, холос. Давлатимиз раҳбарининг «Инсон қадрини унун» ғояси аҳоли муурожаатлари билан ишлашнинг пировард мақсадига айланиб бораётгани халқчил ва инсонпарвар давлат барпо қилишдек буюк мақсадларга хизмат қилади.

Мансур АБДУСАТТОРОВ.



Вилоят ҳокими маҳалла раислари билан учрашди

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?



Шофиркон туманидаги «Исломбек» тўйхонасида Бухоро вилояти ҳокими Ботир Зариповнинг ҳудуддаги мавжуд 50 та маҳалла фуқаролар йиғинларидаги «бешлик» вакиллари — йиғин раислари, ҳоким ёрдамчилари, ёшлар етакчилари, хотин-қизлар фаоллари ва профилактика инспекторлари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, инфратузилмани яхшилаш, одамларнинг ҳаёт даражасини ошириш бўйича қилинаётган ишлар кўриб чиқилди. Унда «бешлик» вакиллари маҳаллалардаги ички йўллар ва кўприкларни таъмирлаш, трансформаторларни янгилаш, спорт майдончалари ташкил этиш каби қатор муаммолар билан юзланди. Шунингдек, аввалги учрашувларда белгиланган вазифалар ижросига эътибор қаратилди. — Бажарилган ишлардан қиладиганларимиз ниҳоятда кўп, — деди Ботир Зарипов.

— Бу бизга маълум. Яна бир масала шуки, маҳалладаги муаммоларни ҳал қилишда раислар ташаббускор бўлиши зарур. Унга Президентимиз ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори деган қўл-қанот бердилар. Уларнинг шарт-шароитлари яхшиланди. Моддий қўллаб-қувватланмоқда. Энди улар натижа кўрсатиши керак. Ана шунда ҳаётимиз янада ўзгаради.

Учрашувда бугун шофирконликларни қийнаб келаётган дарду ташвишлар тилга олинди. Уларни ҳал қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, масъуллар ва муддат белгиланди.

МОҲИЯТ



ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ: устувор йўналишлар белгиланди

ХУСУСИЙ СЕКТОРДА ИШЛАЁТГАН ВА КАМИДА 6 ОЙ ИШ СТАЖИГА ЭГА БЎЛГАН АЁЛЛАРГА 2 МИЛЛИОН СЎМДАН ҲОМИЛАДОРЛИК ВА ТУҒИШ НАФАҚАСИ ТЎЛАБ БЕРИЛАДИ

Инсонни улуғлаш — бугун юртимизда олиб борилаётган ижтимоий сиёсатнинг бош мақсади саналади. Шу боис сўнгги йилларда ижтимоий ҳимоя тизими такомиллашиб, соҳага Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар миқдори сезиларли даражада оширилди. Хусусан, кам таъминланган нафақа олувчи оилалар сони охириги уч йилда тўрт баробарга ошиб, 1,9 миллионга етди. Нафақа тайинлашда инobatга олинadиган болалар ёши 14 ёшдан 18 ёшгача, мазкур тўлов муддати 6 ойдан 12 ойгача ҳамда нафақа миқдори ўртача 1,5 баробарга, ишсизлик нафақаларининг энг кам миқдорлари 3,2 бараварга оширилди.

2022 йил 25 июлда имзоланган «Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Президент фармони айна йўналишдаги ишларни янги bosқичга олиб чиқишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Хужжат билан Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегияси ҳамда унинг мақсадли кўрсаткичлари, мазкур стратегияни 2022-2023 йилларда амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» тасдиқланди. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг устувор йўналишлари белгиланди. Унга кўра, эндиликда ижтимоий хизматларни аҳолига бевосита маҳалла даражасида кўрсатиш амалиёти жорий этилади.

— Охириги беш йил давомида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун Давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар етти бараварга оширилди, — дейди Молия вазирлиги Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш департаменти директори Гулнора Муродова. — Юқоридаги фармон ижтимоий ёрдамларни янада мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришга хизмат қилади. Мазкур хужжат бешта йўналиш — ижтимоий хизмат, ижтимоий суғурта, ижтимоий ёрдам, бандликка кўмаклашиш ҳамда институционал ривожланишни қамраб олади.

БИРИНЧИ ЙўНАЛИШ — ижтимоий хизматлар маҳалла даражасига туширилади. Ҳозирда аҳолига 16 та вазирлик ва идоралар томонидан 70 га яқин ижтимоий хизматлар кўрсатилади. Бирок бу борада айрим муаммолар мавжуд. Масалан, ижтимоий хизматлар фуқароларнинг

мурожаатига асосан кўрсатилади ва аксарият аҳоли бундай хизматлар ҳақида тўлиқ маълумотга эга эмас. Ижтимоий хизматларнинг ягона ҳисоби юритилмайди, унинг кафолатланган чегаралари аниқ белгиланмаган. Энг муҳими, бундай хизматлар ўз вақтида ва сифатли кўрсатилиши устидан ягона мониторинг тизими мавжуд эмас.

Эндиликда ижтимоий хизматлар мурожаат қилиш талабсиз комплекс ёндашув асосида тақдим этилади. Яъни бундай хизматлар маҳалла даражасида йўлга қўйилади. Бунда маҳалладаги хотин-қизлар фаоллари ҳар бир хонадон аҳолини якка тартибда ўрганади ва ижтимоий хизматларга муҳтожларни аниқлайди. Оиланинг муаммоларидан келиб чиқиб, ижтимоий хизмат кўрсатувчи органга оиланинг буюртмасини юборади.

Қолаверса, хужжатга кўра, 2023 йил 1 мартгача давлат томонидан кафолатланган ва бепул тақдим этиладиган минимал ижтимоий хизматлар рўйхати шакллантирилади. Ҳар бир ижтимоий хизматнинг ҳажми, даврийлиги ва ким томонидан амалга ошириш стандартлари ишлаб чиқилади.

ИККИНЧИ ЙўНАЛИШ — ижтимоий ёрдам самарадорлиги оширилади. Ҳозирда 2 миллион оила болалар нафақаси ва ижтимоий ёрдам билан қамраб олинган. Республика бўйича оилаларнинг 22 фоизи давлатдан ижтимоий ёрдам олмақда. Эндиликда кам таъминланган оилаларга тўлаб келинаётган болалар нафақасини ижтимоий шартнома тузиш орқали тўлаш тизими йўлга қўйилади.

Маълумот учун, ижтимоий шартнома тизимида давлат томонидан ижтимоий ёрдам

олаётган фуқаро маълум бир ижтимоий мажбуриятларни зиммасига олади. Дастлабки bosқичда ижтимоий мажбурият сифатида оиладаги болаларнинг боғчага ва мактабга доимий тарзда бориши, оилавий поликлиникадан мажбурий вакциналарни ўз вақтида олиши каби оддий шартлар қўйилади.

Учинчи йўналиш — ижтимоий суғурта тизими жорий этилади. Амалдаги тартибга асосан, ҳомиладорлик, туғиш, вақтинча ишга лаёқатсизлик ва ишдан бўшатиш нафақалари хусусий секторда иш берувчи томонидан қопланиши керак. Натижада бундай корхоналар аёлларни ишга олишда чекловлар ўрнатади, ҳомиладор аёлларни мажбурий тарзда ишдан бўшатади, ёш боласи бор аёлларни ишга олмайди. Бунинг бир қатор сабаблари бор, албатта. Тадбиркор маблағларни ўзи ишлаб топади ва имкон қадар иқтисод қилишга ҳаракат қилади.

Фармон билан Молия вазирлиги таркибида Ижтимоий суғурта жамғармаси ташкил этилди. **Эндиликда дастлабки bosқичда, яъни 2022 йил 1 сентябрдан хўжалик ҳисобидаги корхоналарда расмий ишловчи ва минимал стажга (6 ой) эга бўлган аёлларга минимал истеъмол харажатлари (500 минг сўм)дан келиб чиқиб, ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари (ҳар бир аёл учун 2 миллион сўм) Ижтимоий суғурта жамғармаси ҳисобидан тўланади.** Бунда ходимнинг иш стажига 1 ойгача бўлган танаффуслар мавжуд бўлса, ушбу танаффуслардан олдинги ва кейинги ойлари кетма-

кет иш стажини ҳисоблашда қўлланилади.

Иккинчи bosқичда, 2024 йилдан бу тўловлар аёлларнинг иш стажини ва ўртача иш ҳақи ҳисобидан келиб чиқиб белгиланади. Натижада иш берувчи зиммасидаги ушбу харажатлар тўлиқ олиб ташланади. Учунчи bosқичда, яъни 2024-2026 йиллардан бошлаб, мажбурий ижтимоий суғурта жамғармаси томонидан вақтинча ишга лаёқатсизлик, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса, ишдан бўшатиш, касб касалликлари оқибатидаги ногиронлик нафақаларини ҳам қамраб олиш чоралари кўрилади.

Тўртинчи йўналиш — бандликка кўмаклашиш дастурлари бўйича самарадорлик индикаторлари ишлаб чиқилади. Бунда асосий мақсад — аҳолини доимий даромад манбаи билан таъминлашга қаратилади. Мисол учун, ҳозирги кунда айрим шахслар ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинади. Аммо бу тизимнинг камчилиги шундаки, у вақтинчалик чора, аниқ муддат ўтганидан сўнг шахс яна ишсиз бўлиб қолаверади. Бунинг олдини олиш учун касб-хунарга ўқитиш ишлари кенгайтирилади.

Қолаверса, айна пайтда ҳоким ёрдамчилари тавсияси билан берилаётган тадбиркорлик ва бандлик субсидиялари ижтимоий шартнома орқали

тайинланади. Яъни бунда субсидия олган шахс зиммасига ижтимоий масъулият юкланади. Масалан, субсидия асосида меҳнат куруллари шахс устахонасини юритиши зарур. Ҳоким ёрдамчиси ҳар олти ой давомида устахонага бориб, шартнома шартларига амал қилинаётганини мониторинг қилади. Бу орқали субсидиядан самарасиз фойдаланиш, меҳнат куруллари сотиб юбориш, кўп ўтмай, мазкур шахс яна ишсизлик ҳолатига тушиб қолишининг олди олинади.

Бешинчи йўналиш — аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш институционал ривожлантирилади. Амалдаги тартибга кўра, бугунги кунда ижтимоий ҳимоя соҳасидаги дастурлар учун Молия, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш, Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш, Халқ таълими вазирликлари, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш, Ёшлар ишлари агентликлари масъул. Эндиликда ижтимоий ҳимоя соҳасида ягона сиёсатни юритиш ҳамда bosқичма-bosқич ижтимоий суғурта тизimini йўлга қўйиш вазифаларини зиммасига оладиган ягона давлат органи белгиланади. Мазкур орган манфаатдор вазирлик ва идораларнинг ижтимоий ҳимоя соҳасидаги функцияларини яхлит ҳолда бажаради.

Ўзбекистон фуқаролари — қонун ҳимоясидадир. Ҳар бир фуқаро ҳар қандай шароитда унинг суянчи ва таянчи, аввало, давлат эканини ҳис этиши ва англаши зарур. Шу маънода Президент имзолаган мазкур фармон аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг ишончли ҳамда аниқ механизмлари асосида ишловчи очиқ ва шаффоф тизимни яратишга хизмат қилади.

Санжар ИСМАТОВ.

ЖАРАЁН

«Маҳалла тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди

ҚОНУН ЛОЙИХАСИ 8 БОБ ВА 55 МОДДАДАН ИБОРАТ. АМАЛДАГИ «ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН 5 БОБ ВА 33 МОДДАНИ ТАШКИЛ ЭТАРДИ. У КУЧГА КИРГАЧ, КЎПЛАБ ҚОНУНОСТИ ҲУЖЖАТЛАРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИНИ ТАЛАБ ҚИЛМАЙДИГАН ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ АМАЛ ҚИЛУВЧИ ҲУЖЖАТГА АЙЛанади

Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги «Маҳалла тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқди. Янги қонун лойиҳасига, аввало, «Асосий тушунчалар» деб номланувчи алоҳида модда киритилди. Ушбу моддада қонунчилик ҳужжатларини қўллашда мавҳум бўлган айрим тушунчаларга («маҳалла», «маҳалла раиси», «қўчабоши», «уйбоши», «фуқароларнинг вакили» кабиларга) изоҳ берилмоқда. Амалдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунда эса фақат «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши тушунчаси» келтирилган бўлиб, «фуқаролар йиғини» жумласига таъриф берилмаган.

Жумладан, амалдаги қонунда фуқаролар йиғини деганда, фуқароларнинг умумий йиғилиши тушуниланган, амалиётда эса фуқаролар йиғини тузилма сифатида фаолият олиб боради (масалан, «Янги ҳаёт» маҳалла фуқаролар йиғини). Шу боис қонун лойиҳасининг бутун матнида «фуқаролар йиғини» тушунчаси ўрнига «маҳалла» тушунчаси тузилма сифатида, «маҳалла фуқароларининг умумий йиғилиши» эса маҳалланинг коллегиял органи сифатида қўлланилмоқда.

Бундан ташқари, амалиётда кўп ишлатиб келинаётган «маҳалла раиси», «қўчабоши» ва «уйбоши» тушунчалари қонунчиликка киритилмаган ва уларга таъриф берилмаган эди. Шунингдек, «фуқароларнинг вакили» ибораси очиқ қолганди. Маҳалла фаолиятини ташкил этиш ва аҳоли билан ишлашда маҳалла раиси, қўчабошилар ва уйбошилар, фуқароларнинг вакиллари муҳим аҳамият касб этишини ҳисобга олиб, мана шу камчилик тўлдирилди.

Лойиҳада қонун ҳужжатларини қўллашда мавҳум бўлган айрим тушунчаларга изоҳ берилиб, маҳалла ходимларига нисбатан одоб қоидаларини белгилаш, маҳалла кенгашининг мақомини ва таркибини кучайтириш, раиснинг ҳуқуқларини кенгайтириш, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси ва профилактика инспекторларининг мақоми, ваколатлари ва жавобгарлигини белгилаш кўрсатилган. Қолаверса, жамоатчилик назоратини амалга оширишда маҳаллаларнинг ролини ошириш, рейтинг баҳолаш натижаларига кўра, фаолияти «намунали» деб топилган маҳалланинг малакали ва ташаббускор раисларни давлат ҳокимияти органларининг кадрлар захирасига киритиш,

ходимлар ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, маҳаллаларни тузиш, бирлаштириш, бўлиш, тугатиш, чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва номини ўзгартириш, маҳалла томонидан жисмоний ва юридик шахслардан ихтиёрийлик асосида жалб этилган маблағлар ва ҳомийлик хайрияларини шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш масалалари баён этилмоқда.

Яна бир жиҳат — амалдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун нормалари маҳаллалар фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тўлиқ қамраб олмаган. Ушбу соҳадаги кўплаб масалалар қонуноти ҳужжатлари билан тартибга солиниб келинмоқда. Қонун нормалари маҳаллалар фаолияти билан боғлиқ муносабатларни ҳар томонлама тартибга солишга тизимли ёндашувни таъминламайди ва бу соҳада замонавий талабларга жавоб бермайди.

Хусусан, унда маҳаллалар фаолиятида учрайдиган тушунчаларга изоҳ берилмаган, маҳаллалар фаолиятининг асосий йўналишлари белгиланмаган, ваколатлари соҳаларга ажратилмаган, давлат органлари билан ҳамкорлик ўрнатилгандаги ваколатлари, раиснинг ваколатларини мuddатидан илгари тугатишда маҳаллий вакиллик органлари ва аҳолининг иштироки белгиланмаган. Шунингдек, маҳалла раисларининг ижтимоий ҳимояси, улар фаолиятининг кафолатлари ва фарқлаш белгиси мавжуд эмас. Маҳаллалар томонидан ҳомийлик хайрияларини шакллантириш ва улардан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари ўрнатилмаган. Бундан ташқари, кўплаб ҳаволаки нормаларнинг мавжудлиги

натижасида ҳуқуқни қўллашда муаммоли масалалар вужудга келмоқда.

Лойиҳага кўра, ҳарбий шаҳарчаларда маҳаллалар ташкил этиш мумкинлиги ҳамда маҳаллаларнинг юридик шахс мақомига эга бўлиши белгиланмоқда. Маҳаллаларни ҳудудий ва демографик тоифаларга ажратиш назарда тутилмоқда. Маҳаллаларнинг ваколатлари соҳаларга ажратилмоқда. Жумладан, 6 та соҳа бўйича ваколатлари алоҳида моддаларда белгиланмоқда. Амалдаги қонунда маҳалланинг ваколатлари фақат 1 та моддада белгиланган.

Маҳалла раисини рағбатлантириш ёки унга нисбатан интизомий жазо қўллаш, шунингдек, маҳалла раисига ишончсизлик билдириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ваколатлари берилмоқда. Амалдаги қонунчиликда таклиф этилаётган ваколатлар мавжуд эмас эди. Ушбу қоидалар хорижий тажриба ва миллий амалиётдан келиб чиққан ҳолда киритилмоқда. Маҳалла кенгашининг мақоми кучайтирилмоқда ва кенгашга аъзолар сони оширилмоқда. Давлат органлари ва мансабдор шахслар билан ҳамкорлик қилиш соҳасидаги ваколатлари алоҳида белгиланмоқда.

Бундан ташқари аҳоли муаммоларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва ҳал этиш, шунингдек, муурожаатларни кўриб чиқишнинг бир-бири билан узвий боғлаган «маҳалла-туман-вилоят-республика» тизими жорий этилмоқда. Фуқаролар вакили, қўчабоши ва уйбошиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда ваколатларини мuddатидан илгари тугатиш тартиби белгиланмоқда. Маҳалла раисининг ваколати мuddатидан илгари тугатилган кундан эътиборан бир ой мuddат ичида

сайлов ўтказилиши назарда тутилмоқда. Қонунчиликдаги ушбу бўшлиқ туфайли амалиётда маҳалла раиси лавозими бўшаб қолган ўринларга айрим маҳаллаларда йиллар давомида сайловлар ўтказилмаслигига олиб келган. Шунингдек, унинг вазифасини бажаришни қонунчиликка зид равишда бошқа шахсларга юклаш орқали лавозимга тайинлаш ҳолатлари учрарди.

«Маҳалла тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши Давлат бюджетидан қўшимча харажатларни талаб қилмайди. Бу орқали маҳалланинг институционал асослари янада такомиллашиб, фаолияти самарали ташкил этилади, маҳаллалар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда мавжуд бўшлиқлар бартараф этилади. Аҳоли муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш ҳамда қонунчилик ҳужжатлари ижросини таъминлаш устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг шаффоф механизми яратилади. Маҳалланинг аҳоли кундалик муаммоларини ҳал этишдаги иштироки кенгайди. Маҳалла раисларининг ижтимоий ҳимояси, улар фаолиятининг кафолатлари таъминланади. Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигининг маҳаллалар билан ўзаро ҳамкорлиги, улар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги ролни ошиди.

Умуман олганда, таклиф этилаётган қонун лойиҳаси маҳалла билан боғлиқ ижтимоий муносабатларга доир масалаларни тартибга солишнинг асосий ҳуқуқий пойдеворига айланади.

Тўлқин ТОҒАЙҚУЛОВ,
Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари.

Йўлнинг ички, уйнинг ташқи қисми озода бўлса

Бюджет маблағлари сарфланишида фуқаролар иштирокини янада ошириш ва мавжуд ички йўллар сифатини яхшилаш мақсадида 2022 йилдан бошлаб туман ва шаҳарлар бюджетлари параметрларида ҳудудий ички йўлларни таъмирлаш учун ажратиладиган маблағларнинг 50 фоизи «Очиқ бюджет» ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида аниқланган ички йўлларни таъмирлашга йўналтирилмоқда.



Ушбу лойиҳада Наманган туманининг «Хонобод» маҳалласида жойлашган Яққачинор кўчаси ҳам ички йўлларни таъмирлаш таклифини билдириб, ғолиб бўлди.

Ҳозирда туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси томонидан Яққачинор кўчасининг 600 метр жойида асфальтлаш ишлари бажарилди.

Худди шунингдек, «Обод қишлоқ» дастури доирасида Тўрақўрғон туманидаги «Соҳилобод» маҳалласида ҳам кенг кўламли ишлар амалга ошириляпти. Айниқса, ичимлик суви, электр таъминотини яхшилаш, йўлларни ободонлаштириш учун катта маблағ ажратилган. Мактабгача таълим ташкилоти эса мукамал қайта қуришдан

сўнг энг замонавий кўринишга эга бўлади.

Тўрақўрғон тумани ҳокими Аҳроржон Мансуров ҳоким ўринбосари Акмалжон Тўраев билан дастур бўйича бошланган ишлар маромини кўздан кечирди. Мутасаддиларга зарур тавсиялар берди. Шу ўринда маҳалла бешлигига ўринли эътироз айтилди: йўл бўйларида чиқиндилар тўпланиб қолган, қуриган дарахт шохлари, турли қурилиш ашёлари кўзга ташланади. Буларни олиб ташлаш, «Соҳилобод» чин маънода обод қишлоқ бўлишини таъминлаш зарур. Ҳар бир хонадон нафақат ҳовлиси ичкарасини, балки ташқарисини ҳам озода тутиши керак.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

ИШГОҲ

МИКРОМАРКАЗ САНОАТ, ХУНАРМАНДЧИЛИК, КАСАНАЧИЛИК ФАОЛИЯТ ЙЎНАЛИШЛАРИ БЎЙИЧА КАМИДА 10 ТА ЁКИ ЧОРВАЧИЛИК ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА КАМИДА 3 ТА ИШ ЎРНИНИ ЯРАТИШ ШАРТ

Маҳаллаларда микромарказлар ташкил этилади

Бугун аҳолига барча ижтимоий хизматлар, тадбиркорлик лойиҳалари, бандликни таъминлашга қаратилган дастурлар ижроси бевосита маҳалланинг ўзида кўрсатилиши зарурлиги таъкидланмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, шу орқали маҳалла инфратузилмаси яхшиланади, саноат, кичик бизнес шу ернинг ўзида ривожланади, одамлар йиғиндан чиқмай, иш топиш, рўзгорини бутлаш имкониятига эга бўлади. Бошқа томондан маҳаллаларда бўш турган кўпбанд иморатлар борки, улардан самарали фойдаланиш зарур.

Бу ҳақда сўз борганда, айниқса, хунармандчилик, тикувчилик, косибчилик, қандолатчилик, касаначилик, чорвачилик каби уй шароитидаги кичик ишлаб чиқариш лойиҳаларини маҳалланинг ўзида кенгайтириш мумкин. Айни жараёнда ишсизлик даражаси юқори бўлган маҳаллаларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун катта харажат шарт эмас, ишлар тўғри йўлга қўйилса, маблағлар мақсадли ва манзилли ажратилса, одамларда бунга ижобий муносабат шакллантирилса, шунинг ўзи кифоя.

ТАДБИРКОР ҚАНДАЙ МАЖБУРИЯТНИ БАЖАРИШИ КЕРАК?

Президент Шавкат Мирзиёев 2022 йил 25 июлда имзолаган «Маҳаллаларда саноат, хунармандчилик, касаначилик ва чорвачилик микромарказларини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарор юқоридаги мақсадларни амалга оширишда ҳуқуқий асос бўлади.

Қарор билан жами **421 та маҳаллада** юридик шахс мақомига эга саноат, хунармандчилик, касаначилик ва чорвачилик микромарказлари ташкил этилади. Улар учун маҳаллалар ёки маҳаллаларнинг туташ ҳудудларида бўш турган давлат мулки объектлари ёки қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш турган ер майдони ажратилади. Ҳар бир микромарказ майдони давлат мулки объектнинг 150 квадрат метрдан ёки ер участкасининг 0,1 гектаридан ошмаслиги лозим, белгиланган миқдордан ошганда, бир ҳудудда бир нечта микромарказлардан иборат микромарказлар комплекси ташкил қилиниши мумкин.

Микромарказлар заруратга қараб ҳар бир маҳалла учун алоҳида ёки бир нечта маҳаллалар учун аҳолига қулай бўлган жойларда ташкил қилинади. Бунда тадбиркорларга ўз маблағлари ҳисобидан ерни реконструкция қилиши ёки капитал таъмирлаш ёхуд ер участкасида бино-иншоотларни қуриши эвазига давлат мулки объектлари электрон аукцион орқали **5 йил муддатга** ижарага берилади. Ҳудудда саноат, хунармандчилик, касаначилик фаолият йўналишлари бўйича **камида 10 та** ёки чорвачилик йўналиши бўйича **камида 3 та** иш ўрнини яратиш ва таъминлаб бориш керак бўлади.

3 ЙИЛЛИК СОЛИҚ ИМТИЁЗИ БЕРИЛАДИ

Давлат мулки объекти ёки ер участкасини ижарага бериш тўғрисидаги шартнома имзоланган кундан бошлаб 6 ой мобайнида микромарказни ташкил этиш бўйича зарур чоралар қўрилмагани ёки ижара муддати мобайнида шартнома шартлари бажарилмагани давлат томонидан шартноманинг **бир томонлама бекор қилинишига** асос бўлади. Бундай ҳолатда тадбиркорнинг реконструкция, капитал таъмирлаш ва қурилиш харажатлари қопланмайди ҳамда тегишли объект ёки ер участкаси белгиланган тартибда қайта электрон онлайн-аукционга чиқарилади. Тадбиркор барча шартларни тўлиқ бажаргач, ўз маблағлари ҳисобига ер участкасида қурилган бино-иншоотларга мулк ҳуқуқини расмийлаштириш, давлат мулки объектларини баҳолаш қиймати бўйича (бунда реконструкция қилиш ёки капитал таъмирлаш ишларининг харажатлари чегириб ташланади) хусусийлаштириш ҳуқуқига эга бўлади.

Яна бир муҳим жиҳат: микромарказлар фойдаланишга топширилган кундан бошлаб **3 йил муддат давомида** уларга нисбатан юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ва мол-мулк солиғи учун **солиқ ставкаси 50 фоиз миқдоридан** қўлланилади. Микромарказларнинг архитектура-режалаштириш ҳужжатларини ишлаб чиқиш, зарур ташқи муҳандислик-коммуникация ва транспорт тармоқларига улаш ҳамда уларни қуриш республика бюджетидан, маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобига амалга оширилади.

Юқорида қарорнинг қисқача мазмуни билан танишдик. Хўш, у маҳаллага нима беради? Энг аввало, эндиликда маҳаллага саноат кириб боради. Тадбиркор ҳам, оддий фуқаро ҳам манфаатдор бўладиган тизим яратилади. Шунингдек, микромарказлар, асосан, ишсизлик даражаси юқори бўлган маҳаллаларда ташкил этилишини ҳисобга олсак, қанчадан-қанча фуқароларнинг бандлиги таъминланади. Рўзгорига барака, оиласига даромад киради, эртасига ишонч уйғонади. Қолаверса, ҳудудлардаги бўш турган бинолардан самарали фойдаланиш орқали маҳаллалар инфратузилмаси яхшиланади. Энг муҳими, энди одамлар яшаш ҳудудидан чиқмай, зарур эҳтиёжларини қоплаши, иш ўрнига эга бўлиши, оиласи фаровонлигини таъминлаши мумкин.

Санжар ИБРОҲИМОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Гилам корхонасида 250 та иш ўрни яратилди

РАИС ЁН ДАФТАРИГА!



Термиз тумани «Ат-Термизий» маҳалласидаги 4 гектар майдонда «Termez National Carpets» МЧЖнинг гилам маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхонаси иш бошлади.

Лойиҳанинг умумий қиймати 236,0 миллиард сўмни ташкил этади. Корхонага замонавий ускуна ва жиҳозлар Германия, Бельгия ва Туркия давлатларидан келтирилган. Корхона йилига 4,5 млн. кв.метр гилам маҳсулотларини ишлаб чиқариш қуввати эга. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг 55 фоизи ички бозорга, 45 фоизи қўшни

давлатлар — Афғонистон, Тожикистон ва Қирғизистонга экспорт қилиш мақсад қилинган. Экспорт жараёнида Сурхондарё вилоятнинг географик жойлашуви масофа ва маҳсулот логистикасига қулайлик туғдиради. Корхонада 250 та иш ўрни яратилган. Иш ўринларининг 50 таси ёш мутахассислар ҳисобига банд қилинган.

Кўп болали оилаларга кимлар киради?

Оила кодексига мувофиқ, **4 нафар ва ундан ортиқ 18 ёшга тўлмаган боласи бўлган оила** кўп болали оиладир.

Бунда агар **4 нафар ва ундан ортиқ болаларидан 1 нафари** ёки ундан кўпроғи таълимнинг кундузги шаклида (ўрта махсус ва профессионал, олий таълим) таълим ташкилотларида ўқиётган ҳамда **22 ёшга тўлмаган бўлса**, бу оила ҳам **кўп болали оила** деб ҳисобланади.

Давлат кўп болали оилаларга қонунчиликка мувофиқ, имтиёзлар ва ижтимоий қафолатлар берилишини таъминлайди.

Шунингдек:

☑ **Уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларни ҳисобга олиш, давлат уй-жой фондидаги турар жойларни тақсимлаш ва тақдим этиш тартиби тўғрисидаги Низомга** киритилган ўзгартиришга кўра, кўп болали оилаларга уй-жой ажратишда 16 ёшгача етти нафар ва ундан зиёд болалари бўлиши лозимлиги талаби бекор қилинган.

☑ **Қишлоқ жойлардаги кам таъминланган ва кўп болали оилаларга қорамолни бепул бериш шартлари тўғрисидаги Низомга** киритилган ўзгартиришга кўра, кўп болали оилаларга бепул қорамол берилишида вояга етмаган беш нафар ва ундан ортиқ болалари бўлиши лозимлиги талаби бекор қилинган.

МОҲИЯТ

Солиқ кодексига қандай ўзгартиришлар киритилди?

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯНИ КУЧАЙТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚЎШИМЧАЛАР НИМАСИ БИЛАН АҲАМИЯТЛИ? ҚУЛАЙЛИКЛАРНИ ҚАЙСИ ТОИФАДАГИ ОДАМЛАР ЎЗ ТАНАСИДА ҲИС ҚИЛАДИ? БУ ЕНГИЛЛИКЛАР ОДАМЛАР ТУРМУШ ТАРЗИНИ ҚАЙ ДАРАЖАДА ЎЗГАРТИРАДИ?

Президент Шавкат Мирзиёев 2022 йил 26 июлда имзолаган қонунга кўра, Солиқ кодексига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Эътиборлиси, янги киритилган нормалар ижтимоий ҳимояни кучайтириш, аҳолининг айрим қатламларига қўлайликлар яратишни кўзда тутди. Хўш, улар нималардан иборат? Ўзгартиришлар қай даражада енгилликлар беради?

1. Мактаб ва мактабгача таълим ташкилотларида ўқишга тўлов солиқ солишдан озод қилинади. Маълумки, нодавлат мактаб ёки боғчаларда ўқиш пуллик ҳисобланади. Энди ота-онанинг бунинг учун ҳар бир фарзандга ойига 3 млн. сўм доирасидаги харажатлари солиқ солишдан озод қилинади. Имтиёз 2022 йил 1 апрелдан амал қилади.

Масалан, ота (она)га унинг иш жойи бўйича ҳар ойда 720 минг сўм (6 000 x 12 фоиз), жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи (ШХДС) ушлаб қолинган ҳолда 6 млн. сўм иш ҳақи ҳисобланади. У бухгалтерияга ўз фарзандининг таъминоти учун мактабгача таълим

ташкilotига ҳар ойда 2,5 млн. сўм ўтказиш ҳақида ариза тақдим этади. Шунда 2,5 млн. сўмга солиқ солинмайди. Бу орқали ота (она) солиқдан ойига 300 минг сўм тежайди.

2. Ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож иқтидорли фарзандларни бепул ўқитиш солиқ солишдан озод қилинади. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг қобилиятли ва иқтидорли фарзандлари мактабгача ва умумий ўрта таълим нодавлат ташкилотларида бепул ўқишга ҳақли. Бунда таълим ташкилотлари ўқувчилар йиллик умумий сонининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда бепул ўқишга қабул қилиши шарт.

Илгари бундай бепул ўқиш қиймати ўқувчининг ота-онанинг моддий наф тарзидаги даромади сифатида ҳисобланган ва 12 фоиз ставка бўйича ЖШДС тўланиши лозим эди. Солиқ кодекси янги норма киритилиши билан бепул ўқиш солиқ солишдан озод қилинди. Мазкур имтиёз давлат-хусусий шериклик асосида фаолият кўрсатадиган мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланаётган (ўқиётган) махсус контингентдаги тарбияланувчиларни бепул ўқитишга

ҳам татбиқ этилади.

3. Давлат талабаларнинг олий таълим ташкилотлари ҳудудидаги меҳнатини рағбатлантиради. Қонунга кўра, талабаларнинг ОТМлар ҳудудида пулли ўқув курслари, спорт тўғарақларини ташкил этиш ва бошқа таълим хизматларини кўрсатишдан олинган даромадлари ЖШДСдан озод қилинади.

Масалан, талаба ўзи ўқийдиган университет ҳудудида спорт тўғарақи ташкил қилди ва 5 млн. сўм ишлаб топди. 5 млн. сўмнинг ҳаммаси — бу талабанинг даромади ва ушбу суммадан солиқ тўланмайди. Имтиёздан фойдаланиш учун талаба ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтиши керак.

Шунингдек, ўқувчилар ва талабаларнинг таълим олиши учун профессионал ва олий таълим ташкилотлари билан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича пулли-контракт асосида ўтказилган маблағ харажатларига солиқ тўловчининг даромади сифатида қаралмайди.

4. Ташкилотлар ўз ходимлари ва уларнинг оила аъзолари учун маданий тадбирларга солиқларсиз ҳақ тўлашлари мумкин. Бунда тўланаётган солиқ ту-

рига қараб, ташкилотлар фойда солиғи ёки айланмадан олинган солиқдан озод қилинади. Имтиёз суммаси ташкилотнинг товарлар (хизматлар)ни реализация қилишдан олинган даромадининг 0,5 фоизини ташкил қилади.

Масалан, тадбиркорлик субектининг реализация қилишдан олинган даромадлари 1 млрд. сўмни ташкил этса, ушбу сумманинг 0,5 фоизи — 5 млн. сўм бўлади. Агар ташкилот ушбу сумма доирасидаги маблағларни ўз ходимлари ва уларнинг оила аъзолари учун маданий тадбирларга харид қилиш учун йўналтирган бўлса, ушбу маблағлар суммасига фойда солиғи ёки айланмадан олинган солиқнинг қайтарилиши орқали солиқ солинмайди.

Ушбу имтиёз ташкилотларнинг ўз ходимлари ва уларнинг оила аъзолари учун оммавий-маданий ва концерт-томоша тадбирларига билетлар харид қилиши билан боғлиқ харажатларига нисбатан қўлланилади. Имтиёз қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Яна қандай ўзгартиришлар киритилди?

- мобиль алоқа хизматларига нисбатан солиқ ставкалари 10 фоиз этиб белгиланди (илгари 15 фоиз эди);

- хўжаликларда балиқ етиштиришни кооперация асосида йўлга қўйган солиқ тўловчилар 2025 йил 1 январгача барча солиқлардан (ҚҚС ва ижтимоий солиқ мустасно) озод қилинади;

- қишлоқ жойларда жойлашган (бундан шаҳарлар ва туманларнинг марказлари мустасно) антенна-мачта металл конструкциялари, шунингдек, уларга ўрнатилган ҳамда уларнинг ажралмас қисми бўлган конструкциялар эгаллаган ер участкаларига солиқ солинмайди;

- чакана савдо, умумий овқатланиш, меҳмонхона, йўловчи ва юк ташиш, автотранспортларни таъмирлаш, агро ва ветеринария хизматлари кўрсатувчи, кўнгилочар жойларда хизмат кўрсатувчи тадбиркорлар — 2022 йил 1 апрелдан 2025 йилдан 1 январгача ижтимоий солиқни 1 фоиз тўлайди.

Санжар ИСМАТОВ тайёрлади.

«Тараққиёт» янги бинода иш бошлади

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?



Оқдарё туманидаги «Тараққиёт» маҳалла фуқаролар йиғинининг янгидан қуриб битказилган биноси фойдаланишга топширилди.

Замонавий хизмат биносини топшириш маросимида вилоят маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи И.Жабборов, туман ҳокими Ш.Қудратов, маҳалла фаоллари ва кенг жамоатчилик иштирок этишди. Сўзга чиққанлар маҳалла тизимига яратилаётган имкониятлар аҳоли билан ишлаш самарадорлигини ошираётгани, муаммоларга маҳалланинг ўзида ечим топиш имкониятини бераётганини таъкидлади. Тадбир тўйга уланиб кетди. Маҳалладаги 2 та ижтимоий ҳимояга муҳтож оиланинг фарзандларига хатна тўйи ўтказиб берилди. Уларга туман ҳокимлиги ва маҳалланинг эсдалик совғалари улашилди. Мазкур маҳалла биноси «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими томонидан янги мебеллар билан таъминланди.



БАНДЛИК

Ҳоким ёрдамчилари хотин-қизлар бандлигига кўмак беради



ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ТАДБИРКОР СИФАТИДА ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТИШИДАН БОШЛАБ, ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ МУСТАҚИЛ ОЛИБ БОРИШИГА ҚАДАР БЎЛГАН ЖАРАЁНДА ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ТИЗИМЛИ РАВИШДА АМАЛИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИБ БОРИЛАДИ

Маълумотларга кўра, 2021 йилда аёллар тадбиркорлиги дастурлари доирасида 200 мингдан зиёд лойиҳага 2 трлн. сўм миқдоридан кредит ва субсидия ажратилиб, 320 минг нафар хотин-қизлар доимий иш ўрнига эга бўлди. 190 минг нафардан зиёд аёл касб-хунарга ўқитилган бўлса, 4 минг нафардан зиёдига уй-жой тўловининг бошланғич бадалли учун маблағ ажратилган. 2022 йил 22 июлда қабул қилинган «Хотин-қизларни касб-хунарга ва тадбиркорликка ўқитиш тизимини такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори асосида бу борада янги имконият ва имтиёзлар берилмоқда.

ҚАНЧА КОМПЕНСАЦИЯ БЕРИЛАДИ?

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабидан 9,5 минг нафар аҳоли, 3 минг нафар «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» ва «Темир дафтар»га киритилганлар ўқитилган. Уларнинг 2,5 минг нафари ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлаган. Шу каби ўқув курсларида ўқиётган ҳар бир тингловчи учун ўртача 1 млн. сўм сарфланади.

Тегишли электрон реестрга киритилган нодавлат таълим ташкилотларида (НТТ) ўқиганларга компенсация

берилади. Бунда, амалдаги тартибга кўра, фуқаро ва НТТ ўртасида ўқитиш бўйича шартнома тузилади. Компенсация олиш учун НТТ Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги билан яна шартнома тузиши керак. Ушбу тизим бироз мураккаб бўлгани боис жорий йилнинг беш ойида 502 та НТТда ўқитилган 10 600 нафар шахсдан атиги 80 нафари (0,7 фоиз) учун 58 млн. сўм компенсация маблағлари тўланган.

Эндиликда юқоридаги ҳужжат билан янги тартиб жорий этилади. Унга кўра, ҳоким ёрдамчилари тавсиясига асосан, ёшлар ва хотин-қизлар учун касб-хунарга ва тадбиркорлик бўйича ўқув курслари харажатининг 70 фоизи, лекин 1 млн. сўмдан ошмаган қисми уч томонлама шартнома асосида компенсация қилиб берилади. Номли дафтарларга киритилган аёллар ўқитилганда харажатнинг қолган 30 фоизи «Саховат ва кўмак» жамғармаси томонидан тўлаб берилади.

Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож, «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» ва «Темир дафтар»га киритилган ёшлар ва хотин-қизлар касб-хунарга, тадбиркорликка Бизнес ва тадбиркорлик

олий мактабидан тўлиқ бепул ўқитилади.

Ўқув курсларини якунлаган ишсиз хотин-қизлар Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан мавжуд бўш иш ўринларига жойлаштирилади. Тадбиркорлик йўналиши бўйича ўқув курсларини якунлаган хотин-қизларга тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтишидан бошлаб, ўз фаолиятини мустақил олиб боришига қадар бўлган жараёнда ҳоким ёрдамчилари томонидан тизимли равишда амалий ёрдам кўрсатиб берилади.

МАҲАЛЛА ФАОЛЛАРИ МАСЪУЛИЯТИ ОШАДИ

Бугунги кунда республикамизда 363 минг нафардан зиёд ногиронлиги бўлган хотин-қизлар бор. Шулардан 25 минг нафари меҳнатга лаёқатли саналади. Қарор билан ногиронлиги бор, бироқ меҳнатга лаёқатли хотин-қизларни иш билан таъминлаган иш берувчилар учун 6 ой давомида ҳар ойда БҲМнинг 2 бараваридан (600 минг сўм) кам бўлмаган миқдорда субсидия ажратилади.

Маълумки, жорий йил аввалида маҳалла фаоллари томонидан республика бўйича 6,9 млн. хонадон хатловдан ўтказилган ва улар иқтисодий

шароитига кўра тўртта тоифага ажратилган эди. Жумладан, шулардан 656,7 минг хонадон — оилавий даромади кам, 2,9 млн.та хонадон — кўшимча даромад топиш истаги бор, 426 мингта хонадон — ижтимоий ҳимояга муҳтож (боқувчиси йўқ ёки ногирон аъзоси бор) ҳамда 2,8 млн.таси — ўзига тўқ хонадон экани аниқланди.

Қарорга мувофиқ, эндиликда ташкил этилаётган тизим асосида ҳоким ёрдамчилари ва маҳалладаги хотин-қизлар фаоли томонидан ҳар бир маҳалла кесимида ишсиз, деб эътироф этилган ва ишлаш ёки тадбиркорлик қилиш истагини билдирган хотин-қизларнинг бирламчи рўйхати шакллантирилади. Ушбу рўйхатга кирганлар Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги «Ишга марҳамат» мономарказлари, Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабининг ҳудудий филиаллари ҳамда Савдо-саноат палатасида касб-хунарга ва тадбиркорликка ўқитилади.

Ҳўш, юқоридаги ҳужжат ижросида маҳалланинг ўрни қандай бўлади?

Энг аввало, маҳалла фаоллари томонидан касб-хунарга ўрганиш ва тадбиркорлик қилиш истагидаги ёшлар ва

хотин-қизлар рўйхати шакллантирилади. Бунда адолат ва шаффофлик мезонларига қатъий амал қилиниши зарур.

Шунингдек, ўқув курсларини тамомлагач, уларни ишга жойлаштиришда ҳам маҳалла фаоллари ҳамкорлик қилади. Хусусан, ҳоким ёрдамчилари тадбиркорликни энди бошлаган хотин-қизларнинг «оёққа туриб олиши»га қадар тизимли равишда амалий ёрдам бериб боради.

Қолаверса, маҳаллалардаги ҳар бир хонадон ҳоким ёрдамчилари ва хотин-қизлар фаоли томонидан бирма-бир ўрганиб чиқилади. Бунда нафақат касб-хунарга ўрганиш, тадбиркорликни бошлаш, балки бошқа масалалар бўйича ҳам камчиликлар аниқланиб, ечимига киришилади.

Хуллас, юқоридаги қарор юртимиз хотин-қизларига муносиб турмуш шароити яратиш йўлида олдинги йилларда бошланган ва юксак суръатларда давом эттирилаётган эзгу ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Барчасидан кўзланган асосий ғоя битта: она рози бўлса, оила рози бўлади, оила рози бўлса, жамият рози бўлади.

Санжар ИБРОҲИМОВ тайёрлади.

РАИС ЁН ДАФТАРИГА!

Раисга қандай қўшимча ҳуқуқлар берилган?

Қонунчиликка кўра, маҳалла раисига ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспекторлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича бир қатор қўшимча ҳуқуқлар берилган. Жумладан:

☑ ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика (катта) инспекторлари фаолиятини **ҳудуддаги биринчи навбатда ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларни бартараф этишга йўналтириш** ҳамда бу борада **жамоатчилик назоратини ўрнатиш;**

☑ ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика (катта) инспекторлари фаолиятини баҳолаш ҳамда натижалари бўйича **тегишли халқ депутатлари Кенгашларига ахборот киритиб бориш;**

☑ ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика (катта) инспекторларини рағбатлантириш ёки уларга нисбатан эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган жазо чораларини қўллаш бўйича мазкур ходимларнинг юқори турувчи ташкилотларига **кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш.**

«ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ» ЛОЙИҲАСИ

Ҳудудингиз обод бўлишини истайсизми? Марҳамат, ташаббус кўрсатинг!



«Ташаббусли бюджет» лойиҳаси бугун аксарият ҳудудлардаги муаммолар ечимига айланди. Лойиҳа асосида кўпгина манзиллар ободликка юз тутяпти, неча йиллар давомида ҳал бўлмаётган масалалар ҳудуд аҳлининг фаоллиги туфайли барҳам топяпти.

Косон туманидаги «Этак» маҳалласи аҳолиси электрон платформага йиғиннинг ички кўчаларини асфальтлаш бўйича лойиҳа киритиб, 2 973 та овоз олган ҳолда ғолиб бўлган эди. Қисқа фурсатда ишлар бошланиб, йўлсозлар томонидан маҳалладаги Мўъжизакор кўчасининг қарийб 700 метр қисмига асфальт ётқизилди. Бу билан маҳаллий аҳолининг узоғи янада яқин бўлди.

Худди шундай, Шахрисабз туманида лойиҳа доирасида «Абзият» маҳалласининг Ўрмонтепа қишлоғидаги 1 280 метр ички йўлга асфальт қопламаси ётқизилди. Шаффоф тарзда аҳолининг овоз бериш йўли билан ғолиб бўлган мазкур таклифининг қурилиш ишига 480 миллион сўм маблағ сарфланди. Чироқчи туманида


эса лойиҳа доирасида энг кўп овоз тўплаган 12 та таклиф ғолиб деб топилди, улар учун 10 820 миллион сўмлик буюртмачи ташкилотларга алоҳида ҳисоб-рақами очилган ҳолда тегишли маблағлар йўналтирилди.

Айтиш керакки, жорий йилнинг 15 июлидан «Ташаббусли бюджет» жараёнининг иккинчи мавсуми бошланди. Фуқаролар томонидан илгари суриладиган лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида республика бўйлаб қарийб 900 млрд. сўм маблағ йўналтирилиши кутилмоқда.

Хурматли маҳалладошлар, ўз ҳудудингиздаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан лойиҳани илгари суриш, овоз тўплаган ва ғолиб бўлинг! Ташаббус кўрсатинг! Бу имкониятни қўлдан берманг.

БУ — МУҲИМ!

1 августдан қандай ўзгаришлар бўлади?



ЭНДИ ФУҚАРОЛАР ТЕЛЕФОН РАҚАМИ ОРҚАЛИ ИДЕНТИФИКАЦИЯЛАНАДИ, НОГИРОНЛИГИ БОР ШАХСЛАРГА ҚАТОР ЕНГИЛЛИКЛАР ЯРАТИЛАДИ, «ПРАВА»НИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ФАҚАТ ОНЛАЙН АМАЛГА ОШИРИЛАДИ, ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИДА ОЧИҚЛИККА ТАЛАБ КУЧАЯДИ

Мобил-ID тизими жорий этилади. Мобил-ID тизими «Электрон ҳукумат» тизими фойдаланувчиларини идентификациялаш бўйича ягона ахборот тизимининг таркибий қисми ҳисобланади ва шахсни унинг мобил телефон рақами орқали идентификациялашни назарда тутди. Идентификациялаш фуқаронинг хоҳишига кўра, Давлат хизматлари маркази ёки нотариал идора томонидан ёхуд ЯИДХП мобил иловаси орқали амалга оширилади.

Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳисобга олишнинг янги тизими жорий этилади. Президент қарорига кўра, Тошкент шаҳрида ногиронлиги бўлган шахсларни тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларида ҳисобга олиш ва кўриқдан ўтказишнинг янги «Тиббий-ижтимоий экспертиза» электрон ахборот тизими жорий этилади. Бунда фуқароларга ногиронликни белгилаш учун асос ҳисобланадиган (тиббий йўлланма, касаллик тарихи ва амбулатор картадан кўчирмалар ва бошқа) маълумотлар ахборот

тизимига электрон тарзда киритилиши таъминланади. 2023 йил 1 январдан бошлаб ахборот тизими республиканинг бошқа барча ҳудудларида тўлиқ жорий этилади.

Ногиронлиги бўлган ёшларга БҲМнинг 50 бараваригача бўлган миқдорда субсидия ажратиш учун ариза қабул қилиш бошланади. Ҳукумат қарори билан ногиронлиги бўлган ёшларга субсидия ажратишнинг маъмурий регламентлари тасдиқланган. Қарорга асосан, субсидия олиш учун аризалар жорий йил учун — 2022 йил 1 августдан, 2023 йилдан бошлаб ҳар йили — 10 январдан қабул қилинади. Маълумот учун, Ёшлар ишлари агентлиги Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳар йили 500 нафаргача ногиронлиги бўлган ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида субсидия ажратиб боради. **Ҳайдовчилик гувоҳномасини расмийлаштириш учун барча ҳужжатлар фақат ЯИДХП орқали қабул қилинади.** Ҳукумат қарорига асосан, ўқув гуруҳларини

рўйхатга олиш, шунингдек, ҳайдовчиликка номзодлардан имтиҳонларни қабул қилиш учун ҳужжатларни ва миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини расмийлаштириш учун барча тегишли ҳужжатлар фақат ЯИДХП орқали тақдим этилади.

Маиший техника маҳсулотлари мажбурий рақамли маркировкаланади. Ҳукумат қарорига биноан, маиший газ плитаси, ошхона дудбўрони, духовка ва печка, микротўлқинли печ, дазмол, сув иситкич каби маҳсулотларни мажбурий рақамли маркировкалаш бошланади.

Оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларнинг иш самарадорлигини баҳолаш рейтинг тизими жорий қилинади. Бунда ҳудудда ортиқча вазндан халос бўлиш, тўғри овқатланиш тамойилларига риоя этиш, жисмоний фаолликни ошириш, инфаркт, инсульт, қандли диабет, онкология каби касалликларнинг олдини олиш бўйича кўрсаткичлар асосий мезонлар бўлади. Ҳар олти ойда ижобий кўрсаткичларга

эришган тиббиёт ходимлари рағбатлантирилади ҳамда энг яхши натижа кўрсатган тиббиёт муассасаси мукофот ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Кинотеатрлар махсус ахборот тизимига уланиши талаб этилади. Президент фармони билан фильмларга нисбатан муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва сотилган ҳар бир чиптага доир ҳаққоний маълумот билан тезкор таъминловчи республикада фаолият юритаётган кинотеатрлар фаолиятини автоматлаштиришга қаратилган ахборот тизимига уланмаган ҳолда кинотеатр(кинозал) ларда фильмлар намойиш этиш чакана савдо қилиш қоидаларини бузиш сифатида баҳоланади.

Давлат органлари ва ташкилотларида Очиқлик индекси жорий этилади. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган ҳўжалик жамиятлари ҳамда давлат унитар корхоналарида очиқлик бўйича амалга оширилаётган ишларнинг

самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолашга қаратилган Очиқлик индекси жорий этилади.

Шунингдек:
 «Электрон суриштирув ва дастлабки тергов» ягона ахборот тизими тўлиқ версияда ишга тушади.
 Ўрмон фондининг ўрмон билан қопланмаган ҳамда доривор ўсимликлар маданий плантацияларини барпо этиш учун мос бўлган ер участкалари аукционга қўйиб борилади.
 Юридик хизмат кўрсатиладиган туман давлат ташкилотларининг рўйхати кенгайтирилади.
 «UzGasTrade» АЖ табиий газни марказлашган тартибда харид қилишда давлатнинг ягона оператори сифатида иш бошлайди.
 Интеллектуал мулк объектларига оид айрим текширувлар «Саноат мулки муҳофазаси портали» орқали амалга оширилади.
 Маҳаллий инновацион товарларни сотиш бўйича давлат органлари билан тўғридан-тўғри шартнома тузишга рухсат берилади.

М.ПҮЛАТОВ

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

РАИС ЁН ДАФТАРИГА!

Таъмирлаш ишлари жадал тус олди

Андижон шаҳридаги «Исломобод» маҳалласида бунёдкорлик ишлари авжида.

Вилояти ҳокими ташаббуси билан маҳаллага қарашли Муҳиддинов кўчасидаги ички йўлларни таъмирлаш ишлари жадал тус олди. Лойиҳага кўра, 465 метр масофадаги йўл асфальт-бетон қопламаси билан таъмирланади. Айтиш керакки, шаҳарнинг ҳар бир ҳудудидан олиб борилаётган бунёдкорлик ва йўл қурилиш ишлари кўчаларга кўрк бериш билан бирга, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, ички ҳўжалик йўлларининг қиёфасини янгилашга хизмат қилмоқда.

Мақсадбек ФАЙЗ.



Раиснинг қарори кимлар учун мажбурий?

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунга мувофиқ:

фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва уларнинг мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари тегишли ҳудудда яшовчи фуқаролар, тегишли ҳудудда жойлашган юридик шахслар, шунингдек, уларнинг мансабдор шахслари томонидан ижро этилиши учун мажбурийдир;

фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва уларнинг мансабдор шахсларининг қарорларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади;

фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари уларни қабул қилган органлар ва мансабдор шахслар томонидан бекор қилиниши ёхуд суд қарорига кўра ҳақиқий эмас, деб топиллиши мумкин.

БУГУННИНГ ГАПИ

Янги ўқув йили яқин, аммо...



Шу кунларда халқ таълим тизимида икки ҳолат қизғин баҳс ва мунозарага сабаб бўлмоқда. Биринчиси, Халқ таълими вазирлиги ихтиёридаги ихтисослаштирилган мактаблар Президент таълим муассасалари агентлигига ўтгач, ходимларнинг кейинги фаолияти қандай давом этиши борасида бўлса, иккинчиси, ўрта махсус маълумотли кадрларнинг яна олий маълумотли мутахассислар каби тенг кўрилиши юзасидан Халқ таълими вазири ўринбосарининг кўрсатмасидир.

Хабарингиз бор, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан республикадаги ихтисослаштирилган 790 та мактаб босқичма-босқич Президент таълим муассасалари агентлиги тасарруфига ўтказилиши маълум қилинди. Мақсад — Президент мактабларидаги муҳитни, методикани бошқа мактабларга олиб кириш.

Шу боис Халқ таълими вазирлиги томонидан ҳудудлардаги шароитларни ўрганиш, танланган мактабларни янги стандартлар асосида ўқув йилига тайёрлаш юзасидан кўрсатмалар берилган. Ихтисослаштирилган мактабларга қабул тартиби, ўқувчи ва муаллимлар билимини баҳолаш тизимини қайта кўриб чиқиш кераклиги айтилган. Шунингдек, мазкур мактабларга раҳбар ва педагоглар икки босқичли танлов асосида қабул қилиниши, Агентликка ушбу тизим асосида юқори малакали ўқитувчиларни жамлаб, кўшимча ўқитиш, миллий ва халқаро сертификатлар олишига кўмаклашиши айтилган.

Бугун айна мана шу топшириқ саволлар туғдирмоқда. Хўш, шу пайтгача ихтисослаштирилган мактабларда фаолият олиб борган ўқитувчилар тақдирини нима бўлади?

Улар танлов асосида ишга қабул қилинадими ёки аввалгидек ишини давом эттирадими?

Меҳнат ва бандлик муносабатлари вазирлиги томонидан Халқ таълими вазирлигининг хатига жавоб берилган бўлиб, унда амалдаги Меҳнат кодексининг 98-моддаси учинчи қисмига кўра, корхонанинг бир орган бўйсунувидан бошқа орган бўйсунувига ўтказилиши меҳнат шартномасининг амал қилишини тўхтатмаслиги таъкидланган. Шу боис Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги муассасаларнинг Президент таълим муассасалари агентлиги тизимида ўтказилиши ходимларнинг меҳнат шартномаларини бекор қилишга асос бўлмайди.

Президентнинг 2022 йил 14 апрелдаги фармонида кўра, Агентлик мактабларига раҳбар ва педагог кадрларни ишга қабул қилиш уч босқичли танлов (саралаш босқичи, тест синови ва суҳбат) асосида амалга оширилиши кўрсатилган. Мазкур банддаги меъёр Агентлик мактабларига янги қабул қилинаётган раҳбар ва педагог кадрларни ишга қабул қилиш жараёнига нисбатан қўлланилади. Шу билан бирга, ҳозирги кунда вазирлик тасарруфида бўлиб, Агентлик

тасарруфига ўтказилаётган (амалда ишлаб турган) ходимлар уч босқичли танловдан ўтиши талаб этилмайди.

Демак, бугун қайсидир ихтисослаштирилган мактабда амалда фаолият юритаётган ўқитувчилар синовларга жалб этилса, бу ҳаракат қонунга зид ҳисобланади.

Энди мақоламиз аввалида эслатганимиз, тизимдаги иккинчи долзарб мавзу хусусида. 2019 йилда Халқ таълими вазири собиқ ўринбосари А.Умаров ўрта махсус маълумотли ўқитувчиларни олий маълумотли ўқитувчиларга алмаштириш, агар 2023 йилгача бўлган муддатда ўрта махсус маълумотли ўқитувчилар ўқишга киролмаса, уларни ишдан бўшатиш ҳақида ёзма оғохлантириш бериш тўғрисида қатъий кўрсатма юборган.

Шу кунгача ўтказилган йиғилишларда бу қайта-қайта таъкидланган. Аммо жорий ўқув йили бошланиши олдидан амалдаги вазир ўринбосари У.Шарифжўаев аввалги кўрсатмани бекор қилди. Ростан ҳам, айна масала кўплаб эътирозларга сабаб бўлаётган. Юқоридаги кўрсатмага кўра, эндиликда ўрта махсус маълумотли мутахассислар олий маълумотлилар каби дарс соатлари,

синф раҳбарлиги олишда тенг ҳуқуққа эгалар. Шу билан бирга, уларга нисбатан оғохлантириш хатлари бериш тақиқланди.


ФАҚАТ БИР САВОЛ БАРИБИР ОЧИҚ ҚОЛЯПТИ? АГАР МАКТАБГА ҚАЙСИДИР ФАНДАН ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ НОМЗОД КЕЛСА, ЎША ЎРИНДА ЎРТА МАХСУС МАЪЛУМОТЛИ ЎҚИТУВЧИ ИШЛАЁТГАН БЎЛСА, ДИРЕКТОР ҚАНДАЙ ЙЎЛ ТУТИШИ КЕРАК?

Шу кунгача 2019 йилги вазирлик буйруғини бажарган мактабларда янги ўқув йилида жиддий бошоғриқлар бўлиши табиий. Чунки кўплаб ўрта махсус маълумотли кадрлардан синф раҳбарлик ва дарс соатлари олиб қўйилган. Энди улар ўз ҳуқуқларини талаб қилиб чиқишса, директорларга осон бўлмайди. Бизнингча, вазирлик мана шу масалаларни ҳам очиқлаб ўтиши лозим, назаримизда.

Мақсадбек ФАЙЗ.

Боласини биринчи синфга бераётганлар нега сарсон?

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ



Ҳеч ҳам бунақаси бўлмаган эди. Боласини ўзи яшаб турган микроҳудуддаги мактабга бермоқчи бўлганлар сарсон саргардон бўлмоқда. Биринчи синфга ҳужжат топшириш олий таълим муассасасига ҳужжат топширишдан бир неча марта оғирлашди. Бунга ким айбдор? Нега мутасаддилар аҳволни ўнглашга интилмайди? Ёки тизимнинг айрим «корчаллон»лари сувни лойқалатиб, балиқ овлашни осонлаштирамоқчимиз?

Мамлакатимизда аҳолини югур-югурлардан сақлаш, идораларда ҳужжат талаб қилишни минималлаштириш борасида анча кўзга кўринарли ишлар амалга оширилди. Соҳаларни онлайн тизимга ўтказишдан мақсад ҳам аҳолига енгиллик яратиши,

яъни уйдан туриб, мурожаатини ҳал қилишга қаратилган.

Афсуски, «Самарқандда мактаб ёшидаги болалар рўйхати онлайн тизимга киритилди, энди мактабга микроҳудудда яшаётганларнинг фарзандлари қабул қилинади», деган хабар тарқалди, айрим маҳаллаларда аввалги йилларда кузатилмаган муаммолар кўзга ташлана бошланди.

Масалан, бизнинг «Боғимайдон» маҳалламиз болалари 60-мактабга боради. Аммо шаҳар халқ таълими бўлими шакллантирган маълумотлар базасида маҳалламиздан ҳеч ким киритилмаган. Мактаб маъмурияти бола ҳужжатини қабул қила олмайди ва ота-оналарга «сизнинг шу маҳаллада, яъни мактаб микроҳудудда яшашингиз ҳақида базада маълумот йўқ» деб жавоб беради. Ота-оналар паспортидаги прописка ҳақидаги ёзувни, бу оиланинг азалдан шу маҳаллада яшаб келаётганини ҳеч ким инобатга олмайди. Базага кириши учун оила бошлиғи ҳужжатлар тайёрлаб, овораю сарсон бўлмоғи керак.

Иш маҳалла марказига келишдан бошланади. Камина маҳалла раиси сифатида далолатнома ёзиб бераман. Унда ушбу оила «Боғимайдон» маҳалласида яшаб келаётганини тасдиқлайман. Оила бошлиғи далолатно-

мани кўтариб, кадастр идорасига боради. У ерда яшаш манзили тасдиқланади ва сўнгра ички ишлар бўлимининг паспорт столига мурожаат қилади. Энди истиқомат қилаётган манзили – кўчаси ва уй рақами кўрсатилиб, яна рўйхатга олинади. Шундан сўнг агар оила «гороно» базасига киритилса, бола мактабга қабул қилинади.

Одамларни сарсон қилмаслик учун шаҳар халқ таълими бўлими мутасаддиларига қуйидаги таклифни киритган эдим: «Биз маҳалладан далолатнома тайёрлаб, қайси хонадонлар мактаб микроҳудудда яшашини, кўча номи ва уй рақамини кўрсатган ҳолда бўлимга тақдим қилайлик, шунга қараб болалар 1-синфга қабул қилинсин». Бу таклиф ўтишига ишониб, далолатнома ҳозирладик ва «гороно»га юбордик.

Негадир таклифимизга ҳеч қандай жавоб олмадик. Аҳоли сарсонгарчилиги эса давом этмоқда. Афсуски, бу ҳол фақат бизнинг маҳаллада эмас, шаҳарнинг бошқа ҳудудларида ҳам кўзга ташланаётган экан. Буни ижтимоий тармоқлардаги чиқишлардан ҳам билса бўлади.

Тошпўлат РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Самарқанд шаҳридаги «Боғимайдон»
маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

БИЗ УЧУН МУҲИМ!

Маҳсулотлар сифатли ва хавфсиз сақланяптими?



Айни кунларда юртимизда аномал иссиқ кузатилди. Жазирама об-ҳаво шароитида инсон истеъмол қиладиган озиқ-овқат маҳсулотларини сифатли сақлаш муҳим.

Ҳўш, турли озиқ-овқат маҳсулотларини тортиқ этаётган бозорлар, йирик савдо марказлари, супермаркет ва дўконлардаги шарт-шароитлар талабга жавоб берадими? Истеъмолчи ҳуқуқлари қандай ҳимоя қилинган? Маҳсулотларни сақлаш шароитлари ва харидорларга сотиш жараёни хавфсизлик талабларига мос келадими?

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигининг ўрганиш натижалари мазкур ҳолат ҳар доим ижобий эмаслигини кўрсатмоқда. Агентликнинг ҳудудий тузилмалари томонидан республикадаги тўққиз мингга яқин дўкон, киоска, павильон каби савдо объектларида ўрганиш ишлари олиб борилди. Хусусан, 1033 та ҳолатда

(12 фоиз) Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 январдаги 75-сонли қарориди белгиланган чакана савдо қоидалари талаблари бузилган. Шундан 764 та ҳолатда озиқ-овқат маҳсулотларини қуёш тигида сақлаш фактлари аниқланди. Аслида озиқ-овқат товарларини «витрина»да қуёш нурлари ва ёғингарчиликларнинг тўғридан-тўғри таъсирига учрайдиган ҳолатда сақлашга ва жойлаштиришга йўл қўйилмади.

Бундан ташқари, маҳсус жиҳозланмаган 50 та савдо шохобчасининг расталарида гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотлари сотилаётгани маълум бўлди. Савдо қоидаларига асосан, гўшт-сут, балиқ, қандолатчилик маҳсулотлари

(бисквит тортлар), ярим тайёр маҳсулотлар, тайёр масалликлар ва бошқа тез бузиладиган маҳсулотларни сотишга фақат совутиладиган пештахталар, «витрина»лар бўлган тақдирда рухсат берилди. 45 та ҳолатда тухум маҳсулотлари сақлаш меъёрларига амал қилинмаган ҳолда, юқори ҳароратда, қуёш тигида сотилаётгани кўзга ташланган.

Ачинарлиси, савдо дўконлари пештахталарида 58 та ҳолатда ювиш воситалари, нон, ун ва бошқа ун маҳсулотлари ёнма-ён жойлаштирилган, 3 та ҳолатда музлатгичлар етишмаслиги, 10 та ҳолатда вазнлаб сотиладиган маҳсулотлар очик ҳолатда расталарда сотувга қўйилган. Тартиб-қоидага асосан, янги резавор мевалар усти енгил газлама

(масалан, дока ва ҳоказолар) билан ёпилиши керак. 103 та ҳолатда бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари тартибсиз жойлаштирилгани аниқланди.

ИССИҚ ҲАВОДА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ МУҲИМ РОЛЬ УЙНАЙДИ. ЗЕРО, БУЗИЛГАН ОЗИҚ-ОВҚАТ, АЙНИҚСА, БОЛАЛАР ВА ҚАРИЯЛАРДА ҚАТОР КАСАЛЛИКЛАРНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРИШИ МУМКИН.

Сотувчи техник регламент ёки стандарт талабларига мувофиқ товарларни қабул қилиб олишда, сақлашда, савдоолди тайёргарлигида ва сотиш пайтида уларнинг сифати ва хавфсизлиги

савдонинг зарур шарт-шароитларини, шунингдек, харидорларнинг товарларни танлаш имкониятини таъминлайдиган зарур жойлар, асбоб-ускуналар ва инвентарга эга бўлиши шарт.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги томонидан аниқланган қонунбузарликлар бўйича тадбиркорлик субъектларига камчиликларни бартараф этиш, келгусида озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш шароитлари ва ярқилилик муддатининг жиддий бузилишига йўл қўймаслик мақсадида кўрсатмалар берилди.

Ботир ШАРИПОВ, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги бошқарма бошлиғи.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Хонадонлар хатлови ўтказилди



Марғилон шаҳри «Ёвқочар» маҳалласи раиси ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси ва хотин-қизлар фаоли билан биргаликда Туркистон кўчасида жойлашган 211-кўп қаватли оилавий ётоқхонадаги хонадонлар хатловини ўтказди.

Хатлов жараёнида, асосан, «Темир дафтар», «Ёшлар дафтари», «Аёллар дафтари»га киритилган фуқароларнинг ижтимоий ҳолати ўрганилди. Хусусан, дафтарларга киритилган фуқаролардан ишга жойлаштирилганлари, расмий даромадга эга бўлиб, шароити яхшилланганларини «Темир дафтар»дан чиқариш юзасидан чоралар кўрилди.

Шунингдек, уй-жойга муҳтож фуқароларни келгусида ҳомийлик асосида уй-жой билан таъминлаш режалаштирилди. Бунда мазкур ётоқхонада яшаётган фуқароларнинг барчаси ҳомийлик асосида уй-жой

билан таъминлангандан сўнг, ушбу бино тўлиқ бўшатилиб, давлат ихтиёрига қайтарилиши ёки аукционга қўйилиб, сотилиши юзасидан маҳаллий ҳокимликка тақлиф киритиш белгилаб олинди.

Маҳаллани «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилига асосан, ривожлантириш мақсадида ҳар бир фуқарога тегишли тартибда ёрдамлар кўрсатилиб, ижтимоий ҳимояга муҳтожлар қатламини камайтиришга эришиш бўйича топшириқлар берилди.

Оламгир НИШОНОВ.

МАНЗАРА

«Маҳалламиз қиёфаси янгиланяпти»



«Обод қишлоқ» дастурига кўра, маҳалламиздаги Ғалаба кўчасида 300 метр ичимлик суви тармоғини алмаштириш ишлари якунланмоқда.

Бундан ташқари, электр таъминотини яхшилаш мақсадида, 4,5 км. янги замонавий электр тармоқ қурилиб, бетон таянчлар ўрнатилмоқда. 4,2 км. масофа асфальтланяпти, 1,5 км. бетон йўлаклар қурилиши бошланди. Йўл бўйларига 38 та тунги ёритгичлар ўрнатилди. 3 та трансформатор янгиланди. Маҳалламизга янги бино қурилаётгани бизни янада қувонтиряпти.

Ирригация ва мелиорация объектларини қуриш, таъмирлаш ва тиклаш ишлари олиб бориляпти. Худудда жами 43 та кўп қаватли



уй мавжуд бўлиб, дастур асосида барча уйларни таъмирлаш режалаштирилган. Ҳозирга кунга қадар 34 та кўп қаватли уйнинг ташқи фасадлари тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, 18 тасининг кириш йўлаклари мукамал таъмирланди. Хуллас, маҳалламиз мутлақо янги қиёфа касб этиб боряпти.

Фофур САМИЕВ, Давлатобод туманидаги «Халқлар дўстлиги» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

БУГУННИНГ ГАПИ



Давлат хизматлари маҳаллада кўрсатилмоқда

24 ТА МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИДА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИДАН ОНЛАЙН ФЙДАЛАНИШ ТЎҒРИСИДА ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТЛАР БЕРИЛДИ. 146 ТА ҲОЛАТДА САЙЁР ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИЛДИ. ОДАМЛАР БУГУН УЙЛАРИДАН ЧИҚМАЙ ТУРИБ, МУАММОЛАРИГА ЕЧИМ ТОПИШМОҚДА

Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизими аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари эҳтиёжларини тўлиқ қаноатлантирадиган даражага кўтарилди. Жумладан, аввал «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш имкониятидан фақат тадбиркорлик субъектлари фойдаланиб, фуқаролар турли давлат органларида хужжатларни расмийлаштириш бўйича мураккаб тартиб-таомиллардан ўзлари ўтишлари зарур эди.

Шунингдек, бир қатор давлат органларида ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базалари мавжуд эмаслиги, улар идоралараро интеграция қилинишининг паст даражада эканлиги жисмоний ва юридик шахслар томонидан барча дав-

лат хизматлари мажмуасидан қулай ва ўз вақтида фойдаланишни таъминламаётгани.

Маълумки, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини амалга ошириш, шунингдек, аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимининг сифат жиҳатидан янги даражага ўтишини таъминлаш энг муҳим йўналишлар деб ҳисобланди. Шу асосда аҳолининг давлат хизматларидан кенг фойдаланишини таъминлашда вақт ва молиявий харажатларни камайтириш, фуқароларнинг давлат органларини таққиловчи қаноатланганлик даражасини ошириш мақсадида 2018 йил 1 январдан Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили

бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг туман(шаҳар)лардаги Халқ қабулхоналари ҳузурида фаолият юритувчи Давлат хизматлари марказларига айлантирилди.

Жисмоний ва юридик шахсларга «ягона дарча» тамойили бўйича, шу жумладан, олис жойларга чиққан ҳолда давлат хизматлари кўрсатиш Давлат хизматлари марказларининг асосий вазифаси этиб белгиланди.

Натижада давлат хизматлари кўрсатиш сифати олис ҳудудларда ҳам ошиб борди. Бу борада Китоб тумани давлат хизматлари маркази томонидан 2022 йил 1-ярим йилликда амалга оширилган ишларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Жумладан, шу даврда 170 турдаги хизмат кўрсатилган бўлиб, умумий сони 28 795 тани ташкил этди. «dxa.gov.

uz» тизими орқали жисмоний ва юридик шахсларга 17 992 та хизмат кўрсатилди. «Ra.uz» тизими орқали эса 8 436 нафар шахсга электрон имзо калитлари олинди. Туманда шу давр орасида 1 650 та тадбиркорлик субъекти рўйхати шакллантирилди. Шунингдек, 220 таси қайта рўйхатдан ўтказилди. Жами 330 та тадбиркорнинг фаолиятини тугатиш бўйича мурожаат қабул қилинди.

Туман давлат хизматлари марказида 3 та филиал фаолият юритаётган бўлиб, улар орқали кўрсатилган хизматлар 237 тани ташкил этди. Шунингдек, мавжуд 24 та маҳалла фуқаролар йиғинларида давлат хизматларидан онлайн фойдаланиш тўғрисида ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. 146 та ҳолатда сайёр хизматлар кўрсатилди. Одамлар бугун уйларида чикмай туриб, муаммоларига ечим топишмоқда.

Хусусан, ҳисобот даврида 180 та мурожаат келиб тушган бўлиб, агентлик ва ҳудудий бошқармалардан 70 та, суд, прокуратура ва ички ишлар органларидан 26 та, жисмоний ва юридик шахслардан 44 та, маҳаллий ҳокимликлар ва турли ташкилотлардан 40 та мурожаат келиб тушган.

Фаолият таҳлили натижаларига кўра, соҳада хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш мумкинлиги аниқланди. Бунда, аввало, давлат хизматлари сонини йил якуни бўйича 80 мингга етказиш, бунда YIDXP орқали келадиган аризалар улушини 10 фоизга ошириш, сайёр хизматлар сонини кўпайтириш, мурожаатларни ўз вақтида ҳал этиш лозим.

Сирожддин ЙЎЛДОШЕВ,
Китоб тумани адлия бўлими давлат хизматлари маркази катта мутахассиси.



Болалар мажбурий меҳнатига ўрин қолмайди

КОНСТИТУЦИЯГА АЙНИ ФАОЛИЯТНИ ТАҚИҚЛОВЧИ НОРМА КИРИТИЛМОҚДА

Ўзбекистонда бола ҳар доим давлат ва жамият томонидан ҳар томонлама ғамхўрлик ва ёрдамга муҳтож эканига алоҳида эътибор берилган ҳолда, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий тизими шаклланди. Аҳолининг 40 фоизини болалар ташкил қилган бир шароитда бу вазифа, албатта, принципиал аҳамиятга эга.

Миллий қонунчилик асосларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Оила кодекси, «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги ва кўплаб бошқа қонун ҳужжатлари ташкил этади. Ушбу қонунларда халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган энг муҳим болалар ҳуқуқлари бўлмиш — оилада яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик каби ҳуқуқларини давлат томонидан ҳимоялаш кафолатланган. Айниқса, мажбурий ва болалар меҳнатининг ҳар қандай шаклларида қарши курашиш давлатнинг энг устувор вазифаларидан бирига айланган. Бунинг учун алоҳида давлат органи — Бола ҳуқуқлари

бўйича вакил (Болалар омбудсмани) ташкил этилган.

Бугунги кунда Конституция ислохотлари доирасида Асосий қонунимизга киритилаётган қўшимчалар қаторида меҳнат қилиш ҳуқуқига бағишланган 37-моддасига болалар меҳнатига оид қуйидаги тузатиш киритилмоқда: «**Мажбурий меҳнатдан ва болалар меҳнатининг энг ёмон шаклларида фойдаланиш тақиқланади ҳамда қонунга биноан жавобгарликка сабаб бўлади**».

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: миллий қонунчиликда болалар меҳнатини тақиқловчи қоида бор бўлса, уни амалга оши-

риш бўйича самарали ва изчил чоралар кўрилатган бўлса, Конституцияда белгиланиши нима зарурияти бор?

Тўғри, миллий меҳнат қонунчилигимизда, масалан, Меҳнат кодексига «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг болалар меҳнатини тақиқловчи нормалари мустаҳкамланган бўлиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Жиноят кодексларида ушбу қоида бузганлик учун тегишли жавобгарлик чоралари ҳам белгиланган. Лекин болалар меҳнатига қарши курашиш борасида эришилган ютуқлар, шубҳасиз, давлатнинг Бош қонунда акс эттирилиши ушбу соҳадаги

Ўзбекистоннинг қатъий позициясини намоён этади.

Асосий қонунимизга болалар меҳнатини тақиқловчи норма киритилиши тақлифи Президентимиз томонидан берилган бўлиб, жорий йилнинг 20 июнь куни Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувида янгиланган Конституцияда болалар меҳнатига йўл қўймаслик масалалари ҳам назарда тутилиши лозимлиги алоҳида қайд этилган.

Халқаро тажрибани ўрганганда, болалар мажбурий меҳнатини тақиқловчи норма кўплаб хорижий мамлакатларнинг, жумладан, Озарбайжон, Латвия, Польша,

Руминия, Япониянинг Асосий қонунларида ўз аксини топгани аниқланди. Эндиликда Конституциямизга болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари бартараф этиш билан боғлиқ норма киритилар экан, бу чинакам халқчил «ижтимоий давлат» шаклланишига хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

Гулноза САТТАРОВА,
Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти бўлим бошлиғи,
юридик фанлари номзоди.
Айбек ГАНИБАЕВ,
институт бош илмий ходими.

ЖАРАЁН

РАКУРС

Мажлис қанча кўп бўлса, натижа шунча кам бўлади

МАЖЛИСБОЗЛИК, ҚОҒОЗБОЗЛИК ДАВОМ ЭТАВЕРАР ЭКАН, НОМИМИЗ ЯНГИЮ, ТУТУМИМИЗ ЭСКИЧА БЎЛИБ, БИР ЖОЙДА ДЕПСИНИБ ТУРАВЕРАМИЗ

Вазирликда мажлис, ҳокимликда мажлис, мактабда мажлис, масжидда мажлис... Очиги, мажлисбозлик деса, бугун маҳалла раисидан тортиб, давлат ташкилотининг оддий ходимлари, фермер ва деҳқонлар ҳам зириллайдиган бўлиб қолган. Негаки, аксарият ҳолларда раҳбарлар аҳоли кутаётган ҳаётини муаммоларни ҳал қилиш ўрнига кераксиз қоғозбозлик ва натижасиз мажлислар ўтказиш билан овора бўлиб қолаётир. Бундай мажлислар ходимларнинг фойдали ишга сарфланмак вақтини ўғирлаётгани, ортиқча харажатлар, асаббозликлар, ишчан меҳнат кайфиятининг пасайиши, ташаббускорликнинг йўқолишига сабаб бўлаётгани ҳам бор гап.

«Қанча кўп мажлис ўтказиб, топшириқ берсак, шунча яхши ишлаётганимиз кўринади». Афсуски, ҳали-ҳамон баъзи раҳбарлар шундай нотўғри тушунчага эга бўлиб қолаётгани

ачинарлидир. Ҳайрон қоласан киши, уларга «йиғилиш қилма, мажлис ўтказаверма», деб шунча танбех, шунча дакки берилляпти. Лекин билганларини қилишяпти. Президент ҳам, Бош вазир ҳам мажлисбозликни камайтириш ҳақида бир неча бор такрорлади, шунда ҳам бу ишлар давом этаётганини қандай тушуниш мумкин? Қолаверса, йиғилиш ўтказиш учун Бош вазирдан рухсат олиш керак, дейилган.

Жорий йилнинг 18 июль куни Президент раислигида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида бу жиҳат яна бир бор таъкидланди. Яъни бундан буён йиғилиш ва қарорларни камайтириб, ижро ва аҳоли муаммолари бўйича ишлайдиган тизим бўлади. «Самарқанд вилоятидаги ўрганишлар кўп камчиликларимизни кўрсатди. Бир ойдан кейин ҳар бир вилоят ҳокими қилган ишлари ҳақида алоҳида ҳисобот беради.

Олдимизда хали энг қийин ва оғир ислоҳотлар турибди. Ҳамма ўзгариши керак, иш услубларини ҳам ўзгартириши керак», — деди Президент.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА, ВАЗИРЛАР ВА ҲОКИМЛАР ЎЗ ТИЗИМИДА ЎН КҮН МУДДАТДА СТРУКТУРАСИ ВА ИШ УСЛУБЛАРИНИ ЎЗГАРТИРАДИ. УМУМАН, ЭНДИЛИКДА ҲАММА МАҲАЛЛА, ТУМАНГА ТУШИБ, МУАММОЛАРНИНГ ИЧИГА КИРИБ, АНИҚ НАТИЖАГА ИШЛАШИ ШАРТ.

Бизнинг-ча ҳам, амалий аҳамиятга эга бўлмаган йиғилишларга чек қўйиш керак: мажлисларда фақатгина ташаббускорларнинг ўзлари ёки ўзига керакли маълумот олмоқчи бўлган ходимлар

иштирок этиши мақсадга мувофиқ. Назаримизда, бунинг учун, энг аввало, раҳбарларнинг дунёқарши ўзгариши керак. Бусиз иложи йўқ. Қолаверса, бу ўринда қасаба уюшмалари ҳам энди «улоқни қўлга олиши» зарур. Ахир уни раҳбарларнинг қош-қовоғига қараб эмас, қонун ҳужжатларида ёзилганидек, ишчи-хизматчиларнинг манфаатларини амалда ҳимоялай оладиган мустақил тузилмага айлантириш фурсати етмадики?

Мутахассисларнинг фикрича, давлат идораларида меҳнат қонунчилигининг нормалари ва ҳукуматнинг тақиқи иш бермаётганига бир неча сабаблар бор. Жумладан, сифатли ва самарадор давлат аппаратининг шаклланишига ҳуқуқий асос яратиши мумкин бўлган «Давлат хизмати тўғрисида»ги қонун ҳали қабул қилинмади. Шу билан бирга, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини

кескин камайтириш керак, шунда балки прокурорлар ҳам фермерларга ерни қачон суғориб, унга қачон кимёвий препарат сепиш каби масалаларда йўл-йўриқ берадиган селектордан кутулармиди.

Бизни қизиқтиргани: нима учун депутатлар, сенаторлар ярим кечаси, дам олиш куни мажлис ўтказадиган раҳбарларни ўртага олиб, сўроқ қилмайди? Нега бу масалани назоратга олмайди? Ахир, бу ҳам катта дардимиз-ку?! Қисқаси, бу масалада кескинроқ чора, жудаям кескин чора қўллайдиган фурсат етди, назаримизда. Йўқса, улар учун Меҳнат кодекси ҳам, берилаётган дақкилар ҳам бир тийин бўлиб қолаверади. Мажлисбозлик, қоғозбозлик давом этаверар экан, номимиз янгию, тутумимиз эскича бўлиб, бир жойда депсиниб тураверамиз.

С.ИБРОҲИМОВ.

«Йўл харита»си ижроси назоратга олинган»

Андижон вилояти ҳокимлиги ишчи гуруҳи «Саддатаги» маҳалласида «хонадонбай» ўрганиш ишларини олиб борди. Масъуллар аҳолининг таклиф ва мурожаатлари асосида «Йўл харита»сини шакллантирди ва ижроси назоратга олинди. Айни пайтда ўрганиш ишлари давом этмоқда.



Аёллар учун муносиб шароит яратиш, бандлигини таъминлаш, даромадларини ошириш мақсадида 4 нафар кам даромадли, ёлғиз оналарга субсидия асосида тикув машиналари берилди. Туманда фаолият олиб бораётган текстиль корхонасидан уста тикувчи бириктирилди.

Ҳоким ёрдамчиси ва ёшлар етакчиси билан ҳамкорликда ўтказилган хатлов натижаларига кўра, эҳтиёжманд оилаларга 100 дан ортиқ иссиқхона қуриб берилди. Шунингдек, ишсиз фуқароларга 10 йиллик муддатга 10 сотихдан ер ажратилди. Қолаверса, маҳалла инфратузилмаси яхшиланиб бормоқда. Масалан, шу кунларда 6 км. асосий ҳамда 16 км. ички

кўчаларга бетон йўлаклар қурилди.

Уч нафар кам таъминланган ёшлар бепул ўқитилиб, ҳайдовчилик гувоҳнома олишига эришилди. Бир нафар ҳарбий хизмат ёшидаги маҳалладошимизнинг шартнома пули тўлаб берилди. 11-синфни тамомлаган 4 нафар ёшларга имтиёзли кредит олиш учун ҳужжатлар тайёрланиб, банкка тақдим қилинди. 20 нафар кам таъминланган оилалар уйларидаги том қисми маҳаллий бюджет ҳисобидан ёпиб берилди.

Сарвиноз ҚОДИРОВА, Андижон туманидаги «Саддатаги» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

РАИС МИНБАРИ

РАИС ЁН ДАФТАРИГА

Маҳаллада кимларнинг ҳисоботи эшитилади?

— Фуқаролар йиғини қайси давлат органлари ва ташкилотларининг ҳисоботини талаб қилиш ва эшитиш ҳуқуқига эга?

— «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонуннинг 14-моддасига асосан, фуқаролар йиғини:

☑ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг фуқаролар йиғинлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботларини;

☑ ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг, жойлардаги таълим муассасалари раҳбарларининг ҳисоботларини;

☑ тегишинча оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктлари раҳбарларининг ахборотини;

☑ тегишли ҳудудда жойлашган ташкилотлар раҳбарларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ҳудуднинг санитария ҳолати, уни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш масалаларига доир ҳисоботларини эшитади.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Ҳисобда йўқ ерлар, солиқ тўланмаган тонналар!

«ТОЙОТА» МАШИНАСИННИНГ МАЪНОСИ НИМА ЭКАНИНИ БИЛАСИЗМИ? ШОЛИЧИЛИК БИЛАН ШУҒУЛЛАНАЁТГАН ФЕРМЕРЛАР ВА ДЕҲҚОНЛАР БОЙ ЯШАШНИ-ЧИ? БУГУНГИ КУНДА ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ЭКИН МАЙДОНЛАРИДА ЕТИШТИРИЛАЁТГАН ШОЛИНИНГ ҚАНЧА ҚИСМИ ДАВЛАТГА ТОПШИРИЛЯПТИ ЁКИ ҲИСОБОТГА КИРИТИЛАЁТГАНИНИ-ЧИ?

«Тойота» — «ҳосилдор гуруч даласи» деган маънони билдирар экан. Агар сиз ўн гектар ерга шולי эксангиз ва унинг агротехник талабларини вақтида бажарсангиз, сувини вақтида бериб, бегона ўтлардан тозалаб қўйсангиз, ҳосилдан бемалол бир эмас, бир нечта «Тойота» автомашинаси сотиб олишингиз мумкин.

Гуруч дунёда энг кўп истеъмол қилинадиган махсулот ҳисобланади. Шунинг учун ҳар йили дунё бўйича 500 миллион тонна гуруч етиштирилади. Демак, бунинг учун бир миллиард тоннага яқин шולי ҳосилини олиш керак. Ҳафталик озик-овқатимиз таркибининг асосий қисмини гуруч ташкил этади. Шунинг учун «Умрингдан бир кунинг қолсаям ош е, пунингдан бир сўм қолсаям ош е» каби мақоллар ҳам тўқилган.

Дастурхонимизга ош, мастава, мошхўрда, мошкичири, шавла ва бошқа таомлар сифатида кириб келгунича гуруч узоқ ва машаққатли йўлни босиб ўтади, дейиш мумкин. Яъни у шולי сифатида экилади, парваришланади ва қайта ишланади.

ШОЛИЧИЛИК — ЭНГ ҚАДИМГИ ДЕҲҚОНЧИЛИК ТУРЛАРИДАН БИРИ ҲИСОБЛАНАДИ. АВВАЛЛАРИ ҚАНДАЙ БЎЛГАН БИЛМАДИГУ, АММО ҲОЗИРГИ КУНДА ЭНГ СЕРДАРОМАД СОҲАЛАРДАН БИРИ БЎЛИБ ҚОЛДИ.

Олимларнинг таъкидлашича, бундан 7-8 минг йил аввал маданий усулда етиштирилиши йўлга қўйилган қадимги экин турларидан бири бўлган шולי сувда ўсадиган ягона бошқоқ экин ҳисобланади.

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, Ўзбекистонда 2021 йилнинг 1 октябрь ҳолатига барча тоифадаги хўжаликлар томонидан қарийб 116 минг тонна шולי етиштирилган. Унинг ҳажми 2020 йилнинг мос даври билан солиштирилганда, 2,9 фоизга ошган. Энг кўп шולי етиштирган ҳудудлар Хоразм

вилояти – 58,2 минг тонна, Андижон вилояти – 25,3 минг тонна, Фарғона вилояти – 14,5 минг тонна бўлиб турибди.

Фарғона вилоятининг деярли барча ҳудудларида шולי экилади. Вилоят статистика бошқармаси маълумотида қайд этилишича, сўнги уч йилда — 2019 йилда вилоят бўйича 22 153 тонна, 2020 йилда 29 641 тонна, 2021 йилнинг дастлабки маълумотида кўра — 29 567 тонна шולי йиғиб-териб олинган. Бувайда, Сўх, Ёзёвон туманлари энг кўп шולי етиштирувчи туманлар ҳисобланади.

Туманда неча гектар ерга шולי экилгани ҳақидаги савол билан Бувайда тумани қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи Суюн Тусматовга юзландик:

— *Фалладан 7 305 гектар ер бўшади. Унинг 6 575 гектарига такрорий экин экиш режалаштирилган. Ана шу экин майдонининг 2 100 гектарига шולי экиляпти. Ва туманда бу йил 8 200 тонна шולי олиш режалаштирилган, бу бир гектар ердан 40 центнердан ҳосил олинади дегани.*

Шоли ҳозирги кунда баъзи жойларга сепилган, баъзи ҳудудларда кўчат қилинди. Айни кунларда агротехник тадбирлар амалга оширилмоқда.

Яна статистикага мурожаат қиламиз. Туманда 2019 йилда 5 092 тонна, 2020 йилда 8 313 тонна, 2021 йилнинг дастлабки маълумотларига кўра, 7 463 тонна шולי етиштирилган. Бувайда туманининг Файзиобод, Олтинқўрғон, Бекобод, Пошшопирим, Бачқир ҳудудларидаги деҳқонлар шולי экиш ва уни парваришlash ҳадисини олганлар.

Суҳбатдошларимдан бири исмини ёзишимни истамади, аммо шולי етиштиришнинг машаққатлари ва унинг фойдаси ҳақида қўйидагиларни гапириб берди:

— *1977 йилда Учкўприкдан Бувайда туманининг Файзиобод қишлоғига қелин бўлиб тушганман. Ўша йиллардаёқ қайнотам чўлдаги арик ва зовурларнинг муҳофаза ҳудудларига шולי экиб, ундан мўл ҳосил олардилар. У пайтларда шולי кўчат қилинмасди. Бугўйдан кейин жуда кам миқдорда шולי экиларди. Ҳозиргидек оммавий экилмасди. Эрта баҳорда уруғи сепиларди ва бир неча марта ўтоқ қилинарди. Тўғриси, ўтоқни*

ҳам оила аъзоларимиз билан бирга ўзимиз қилардик.

Шоли хўжаликда сувчи бўлиб ишлайдиган қайнотамнинг асосий даромад манбаи эди. Шолени сотиб ёки уни гуруч қилиб сотиб тўйлар қилганмиз, уйлар қурганмиз. Йиллар ўтиб, биз туманнинг янги ҳудуди бўлган Янгиқадам қишлоғига кўчиб ўтдик. Ва бу ерда ҳам турмуш ўртоғим қўшимча даромад олиш мақсадида шולי эка бошлади. Аввал 10 гектаргача эдик. Ҳозир фарзандларим катта бўлиб, улар иш юзасидан ҳар томонга тарқаб кетишди. Шунинг учун 2-4 гектар ерга шולי экиб, ана шундан ҳам маълум миқдорда даромад оляпмиз. Бир гектар ердан, агар яхши қаралса, 4-5 тонна ёки аксинча бўлса, 2-3 тонна ҳосил олиш мумкин. Шоли экиб ҳеч қачон зарар кўрмайсиз.

Яна бир деҳқоннинг айтишича, шולי сердаромад

экин тури бўлгани билан ҳозирги кунда уни ўз ерига эмаган одам жуда оз миқдорда фойда қилади.

— *Фермердан фалладан бўшаган ернинг ҳар гектарини 6 миллион сўмдан сотиб олиб, 6 гектар ерга шולי эдим, — деди бир суҳбатдошим (мақолаимиз тўланмаган солиқлар тўғрисида бўлгани учун суҳбатдошимизга зарар етказмаслик мақсадида исмини очиқламадик. Аудио ёзуви бор).* — Бир гектар ерга 140 кг. уруғ сочилади. Уни шолчилик институтидан олиб келиб экаман. Бир килосини 11 минг сўмдан олдим. Шоли пишгунича 1 гектар ерга аввал 50 кг. мочавина, сўнгра 200 кг. селитра, учинчи марта 200 кг. селитра ва 300 кг. аммофос сепилади. Агар ёлланма ишчиларни олиб келиб ўтоқ қилдирсангиз, уларнинг бир кунлик иш ҳақи 70-80 минг сўм бўлади. Ҳозирги кунда ўтоқ

қилиш ҳам анча осонлашиб қолди. Бир гектар ерга 1 млн. сўмлик гербицид сепилади. Шу тариқа бегона ўтлардан тозаланди.

Айни кунларда шолнинг бозор нархи унинг навига қараб 9 минг сўмдан 16 минг сўмгача. Лазер, аланга, чўнғара девзираси, қорақилтанок каби гуручларнинг нархи эса 16 минг сўмдан бошланиб 55 минг сўмгача. Бир гектар ердан 5 тонна ҳосил олган деҳқон қанча фойда кўришини ҳисоблаб олаверинг.

«СИЗ ШОЛИ ЭКИБ ВА БУНДАН ДАРОМАД ТОПИБ ДАВЛАТГА СОЛИҚ ТўЛАЙСИЗМИ?», ДЕБ БЕРГАН САВОЛИМГА СУҲБАТДОШЛАРИМ «Йўқ, ШОЛИ ЭКИШ УЧУН ЕРНИ ФЕРМЕРДАН СОТИБ ОЛАМИЗ. ЎТГАН ЙИЛЛАРДА ГЕКТАРИНИ 3-4 МИЛЛИОН СўМДАН СОТИБ ОЛГАН БўЛСАК, БУ ЙИЛ 6 МИЛЛИОН СўМДАН ОЛДИК. БИЗНИНГЧА, СОЛИҚНИ ФЕРМЕР ТўЛАСА КЕРАК», ДЕЯ ЖАВОБИ БЕРИШДИ.

Агар октябрь-ноябрь ойларида йўлингиз Бувайда туманининг Янгиқадам, Файзиобод, Қозоқовул, Бекобод ҳудудларига тушса, денгиздек чайқалиб ётган шолзорларни кўрасиз. Бу ерларни ҳисоблаб кўрсангиз, туман қишлоқ хўжалик бўлими бошлиғи Суюн Тусматов айтганидек, шолзорлар 2 100 гектар эмас, бундан анча кўпроқ эканини билиб олиш қийин эмас.

Бу изланишларимиз бир туман мисолидаги рақамлар. Агар буни вилоят кесимида ҳисоблайдиган бўлсак, Сўх, Ёзёвон, Риштон, Учкўприк, Олтиариқ туманларининг чўл ҳудудларида етиштирилаётган шолзорларнинг ҳисобини чиқарсак, давлат газнасига тушиши керак бўлган солиқ тушумларини нечта сонли рақамлар «безаши»ни тасаввур қилаверинг.

Мавзуга ноябрь-декабрь ойларида яна қайтамыз.

Шарифа МАДРАҲИМОВА,
журналист.

БИЛАСИЗМИ?

Шолини кўчат усулида экиш ва парваришlash

Юртимизда барча шולי навларини кўчат усулида ўстириш мумкин. Уларнинг эртапишар, яъни 80-110 кунда пишадиган навларини кўчатхонада унгандан кейин 20-25 кунлигида далага олиб чиқса бўлади. Кечпишар навлари эса 30-35 кунлик парваришни талаб қилади.

Шоли кўчатхоналари ҳажми аксар ҳолда 100 квадрат метрни ташкил этади. 15-20 сантиметр чуқурликда ҳайдалган майдонга маҳаллий ўғит солинади, сувни бир меъёрда ушлаб туриш учун текисланади.

Томирига зиён етказмаслик учун кўчатлар экишдан олдин устки қисмидан 60 сантиметр узунликда қирқиб олиниб, махсус механизмларга жойланади ва меъёрига қараб экилади. 2-3 кундан кейин сувни 8-10 сантиметр кўтариш, 5-6 кундан сўнг йиллик азотли ўғит миқдорининг учдан бирини солиш зарур. Кейинги агротехнологиялар шולי етиштириш бўйича қўлланилаётган амалдаги тавсияномалар асосида бажарилади. Уларга амал қилган деҳқонлар йилига икки марта ҳосил олиши мумкин.

Шолини ускуналар ёрдамида кўчат қилиб экишда Жанубий Кореядан келтирилган РА600D-P ва RF-455 каби шולי экиш машиналаридан фойдаланиш самарали бўлади.

Шолини такрорий экин сифатида кўчат қилиб қўлда экишда ер 18-20 сантиметр чуқурликда ҳайдалади ва 10-12 сантиметр сув бостирилиб, мола ёрдамида текисланади. Сўнг сув сатҳи 5-7 сантиметргача камайтиради ва тайёрланган кўчатлар ҳар бир уяга 2-4 тадан қадалади. Бизнинг тупроқ ва икким шароитимизда 15x10 сантиметр услубида экилган ниҳоллар юқори ҳосил бериши илмий жиҳатдан асосланган.

Ушбу технология бўйича томорқа ва ҳовли жойларда фойдаланилмай турган ер майдонларидан ҳам навларига қараб шолени кўчат қилиб экиб, 300-500 килограммгача ва ундан ортик миқдорда шולי дони олиш мумкин. Ундан ўртача 250 килограмм гуруч олинади. Бу эса 2-3 та оиланинг йиллик талабини қондиришга етади.

«ТОМОРҚА ХИЗМАТИ»

Кафтдек ердан кўп даромад топаётганлар



Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 2022 йил 18 июль куні бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида хизмат кўрсатиш бўйича маҳаллаларда 3 мингдан зиёд «Томорқа хизмати» инфратузилмаси яратилгани алоҳида таъкидланди. Эътиборлиси, ҳозирга қадар аҳолига ажратилган 64 минг гектар ерда жами 785 минг аҳоли бандлиги таъминланган. Томорқа ер майдонларидан фойдаланиш самардорлиги 1,94 фоизни ташкил этмоқда.



Икки, уч марта ҳосил олиб, экин экиш ва яхши даромад олиш бўйича ўзига хос мактаб яратган туманлар сони 2018 йилдаги 18 тадан бугунги кунга келиб, 85 тага етказилди. Айниқса, боғдорчилик, интенсив сабзавотчилик ривожланган бўлиб, битта оила 10 сотих томорқада 3 тоннагача помидор, бодринг, 2 тонна саримсоқпиез, турли хилдаги кўкатлар ҳамда такрорий экинлардан сабзи, шолғом ва дуккакли экинлар экиб, ўртача 50-60 миллион сўм, баъзилар эса 100 миллион сўмгача даромад олмоқда.

Мисол учун, Урганч туманида яшовчи Ҳасанбой Отажоновнинг 12 сотих шахсий томорқа ердан йилига уч марта сабзавот (помидор, бодринг, кўкатлар ва бошқа) экинларини етиштириш орқали йиллик

даромади 60-65 миллион сўмни ташкил қилмоқда. Ёки Оқдарё туманидаги «Пичоқчи» маҳалласидаги Фазилатхон Нарзуллаева 12 сотих томорқасидан уч марта ҳосил етиштиряпти. Кумқўрғон туманидаги «Жалайир» маҳалласида яшовчи Орзигул Жўраева 5 нафар оила аъзолари билан 18 сотих томорқасининг 10 сотих иссиқхонасида лимон, булғор қалампир, помидор ва бодиринг етиштириб, йилига 85-90 миллион сўм даромад қилмоқда.

Режага кўра, 2022 йилда 133,3 мингдан ортиқ хонадонда ихчам иссиқхоналар қуриш белгиланган. 1 июль ҳолатига 79,5 мингта хонадонда ихчам иссиқхоналар ташкил этилиб, 1 019 гектар томорқа ерларида 2-3 марта ҳосил олиш йўлга қўйилди.

МАЪЛУМОТ УЧУН:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА 7,5 МИНГ, АНДИЖОНДА 11,4 МИНГ, ҚАШҚАДАРЁДА 12,9 МИНГ, ФАРҒОНАДА 8,2 МИНГ, НАМАНГАНДА 5,1 МИНГ, БУХОРОДА 4,6 МИНГ, ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА 3,1 МИНГ, СУРХОНДАРЁДА 5,3 МИНГ, САМАРҚАНДДА 7,9 МИНГ, НАВОИЙДА 2,3 МИНГ, ЖИЗЗАХДА 3,4 МИНГ, ХОРАЗМДА 4,7 МИНГ ҲАМДА СИРДАРЁДА 3 МИНГТА ХОНАДОНДА ИХЧАМ ИССИҚХОНАЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛГАН.

Шунингдек, 2022 йилда «Бир маҳалла — бир маҳсулот» тамойили асосида йилига 2-3 марта маҳсулот етиштиришга ихтисослашган маҳаллалар сонини 4 109 тага етказиш режага киритилган бўлиб, айти пайтда бу кўрсаткич 3 051 тага етди. Хусусан, Андижон вилоятида 433 та, Самарқандда 229 та, Тошкентда 299 та, Фарғонада 437 та, Наманганда 330 та, Сурхондарёда 229 та, Қашқадарёда 261 та, Хоразмда 133 та, Бухорода 156 та, Навоийда 85 та, Қорақалпоғистон Республикасида 144 та, Сирдарёда 79 та, Жиззахда 83 та маҳалла муайян бир турдаги маҳсулот етиштиришга ихтисослаштирилди.

«Томорқа хизматлари» ёрдамида 15,5 минг хонадонга ихчам иссиқхона (2,3 минг гектар) қуриб берилди, 3,3 минг хонадонга асалари уялари (15 мингта), 2,8 минг хонадонга куён (15,7 минг бош), 2,9 минг хонадонга курка (51,3 минг бош), 15,5 минг хонадонга парранда (661,7 минг бош), 1,1 минг хонадонга эчки (2,4

минг бош), 6,6 минг хонадонга қорамол ва қўй (24,7 минг бош) етказиб берилди.

Улар ичидан кенг қамровли фаолият кўрсатаётган 32 та «Томорқа хизмати» ажратилиб, камида 10 та йўналишда хизмат кўрсатувчи «Томорқачилик кластерлари» ташкил этилди. Жорий йилда яна 36 та томорқачилик корхонаси ташкил этилиши белгиланган бўлиб, шундан 18 тасига Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузуридаги Жамғармадан 34 млрд. сўм ажратиб берилди.

Деҳқончилик ва боғдорчиликка ихтисослашган 2,5 мингта маҳаллада 2,5 минг нафар «лидер» табиркорлар аниқланиб, уларга 165 минг аҳоли хонадонлари кооперация усулида бириктирилди. Худудий ҳокимликлар билан биргаликда жорий йилнинг январь-июль ойларида 9,2 мингта инкубатор, 3 млн. 290 минг бош хонаки товук, 6 мингта хонадонга 40,5 мингта асалари уялари тарқатилди.

Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳамда худудий ҳокимликлар билан биргаликда жами 364 минг нафар, жумладан, деҳқончилик ва боғдорчиликка ихтисослашган маҳаллаларда «лидер» тадбиркорлар билан кооперация орқали 205,6 минг нафар ҳамда аҳоли хонадонларида чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичиликни ривожлантириш орқали 158,2 минг нафар аҳоли бандлиги таъминланди.

Яна бир гап: сув таъминоти оғир бўлган худудлардаги аҳоли томорқаларини суғориш учун вертикал

суғориш қудуқларини қозиш харажатларининг бир қисмини қоплаш механизмини амалда қўлланилиши жуда кўп аҳоли хонадонларида даромад манбаини яратиб берди.

Жумладан, 2022 йилда тасдиқланган манзилли дастур доирасида жорий йилнинг январь-июнь ойларида 54 та туманнинг 197 та сув таъминоти оғир бўлган маҳаллаларида 399 нафар талабгорлар томонидан 399 та артезан қудуқлари ишга туширилди. Мазкур суғориш қудуқларини қозиш харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш мақсадида 399 нафар талабгорга 31,5 млрд. сўм субсидия маблағлари ажратилди.

Жорий йилда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда «E-auction» орқали 80 минг гектар ер майдони сотувга қўйилган бўлиб, ҳозирги кунга қадар 63 минг 41 гектар майдонда 316 минг 224 та деҳқон хўжалиқлари ташкил этилди. Шундан «Аёллар дафтари», «Темир дафтар», «Ёшлар дафтари»да рўйхатида турган 73,7 мингта ишсиз ёшлар ва аёлларга 16,2 гектар майдонда деҳқон хўжалиқлари иш бошлади.

Томорқачиликни ривожлантириш бўйича яратиб берилаётган имконият ва шароитлар асосида жорий йилда 400 минг нафар қишлоқ аҳолисининг доимий ва мавсумий бандлигини таъминлаш кўзда тутилган бўлса, жорий йилнинг январь-июль ойларида томорқа хўжалиқларида 313 минг нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилди.

Элмурад МАМАРАҲИМОВ,
Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши бўлим бошлиғи.

РАИС ЁН ДАФТАРИГА!

14 фоизлик кредит кимларга берилади?

«Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг даромад манбаини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (21.12.2021. ПҚ-55-сон) Президент қарорига мувофиқ, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида имтиёзли кредитлар берилади.

Бунда 2022 йилда имтиёзли кредитлар йиллик **14 фоиз ставкада:**

☑ оилавий тадбиркорлик, даромад топадиган фаолият билан шуғулланиш ва фаолиятини кенгайтириш истагидаги аҳоли ҳамда тадбиркорларга — **3 ойдан 6 ойгача бўлган имтиёзли давр билан 3 йилгача муддатга;**

☑ чорвачилик (қорамол, қўй, эчки), балиқчилик ва паррандачилик (тухум йўналиши) учун — **1 йилгача имтиёзли давр билан 3 йилгача муддатга;**

☑ боғдорчилик, узумчилик ва лимончиликни ташкил этиш, иссиқхона, қишлоқ хўжалиги техникаси ва асбоб-ускуналарни харид қилиш учун — **3 йилгача имтиёзли давр билан 7 йилгача муддатга;**

☑ оилавий меҳмон уйлари, хостеллар, ўтов лагерлари мажмуаси, автокемпинглар, экоуйлар мажмуаси, контейнер шаҳарчалар ва чодирли лагерлар ташкил этиш ва таъмирлаш учун — **1 йилгача имтиёзли давр билан 5 йилгача муддатга;**

☑ «Хунарманд» уюшмаси аъзоларига — **3 йилгача муддатга** ва айланма маблағларини тўлдириш учун — **18 ойгача муддатга ажратилади.**

АФСУС...

Бир кўчада минг манзара

Она тилини қадрлаш ҳақида минбарларда шунчаки ҳўжакўрсинга гапирамиз, сўзларимизнинг амалий исботига қизиқиб ҳам кўрмаймиз. «Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг қабул қилинганига ўттиз йилдан ошди. Бироқ бу қонун ижроси билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Мутасаддилар ҳатто давлатимиз раҳбарининг ўзбек тили ҳақида айтган ибораларини мутлақо ёт атамаларга тўлиб кетган баннерлар орасига жойлаштириб қўйишдан ҳам уялишмайди. Пойтахт кўчаларини айланинг, аралаш номлару куралаш тилдан бошингиз айланади.

Афсуски, бу ё ҳаёт, ё мамот масаласи экани, бунда меҳмондўстлик, кимнидир хафа қилиб қўйишдан қўрқиш ва ҳоказо сингари бачкана иддаоларга жой йўқлигини ҳеч ким англамаяпти. Ҳолат шундай давом этаверса, тил муаммоларини яна неча йил «чайнаб» юрамиз, ҳайронмиз.



Суратларда: Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги «Паркентсий» номи билан машҳур бўлган кўчадаги бугунги ҳолат.

Mahalla

Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазириликнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

МУАССИС:
«Mahalla» nashriyot-matbaa uyi» МЧЖ

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан
2019 йил 24 сентябрда
0019 рақами билан давлат
рўйхатидан ўтказилган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
«Mahalla» газетаси муҳаррири
Санжар ИСМАТОВ
«Mahalla ko'zgusi» журналі
муҳаррири:
Хайрулла АБДУРАҲМОНОВ
Дизайнер:
Абдулазиз АҲМЕДОВ

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Мустақиллик
шоҳқўчаси, 59-уй.
Индекс: 100192
Телефонлар:
Қабулхона: **71 233-39-89,**
Обуна бўлими: **71 233-10-92.**
Баҳоси келишилган нарҳда.
Нашр кўрсаткичи: **148**

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Ўлчами — А3, 2 босма табоқ,
10 980 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-718 1 2 3 4 5 6
Газета таҳририят компьютер марказида
саҳифаланди ва офсет усулида босилди.